Kitob dunyosi

Маънавий-маърифий, адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий газета

№ 01 (314)
2020 йил
22 январь.
Газета ҳар ойнинг иккинчи ва тўртинчи чоршанбасида чоп этилади.

КИТОБСИЗ КЕЛАЖАК ЙЎҚ!

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Ўлжас СУЛАЙМОНОВ, қозоқ шоири

Онам менга "Сен билан саломлашган ҳар кимнинг қўлини сиқ: Худонинг чопари уларнинг кирқдан бирида рўпара келади", деб ўргатган. Шу боисдан, ҳеч бир қўлни қайтармадим, минглаб кишиларнинг қўлини сиқдим. Мен кўп маротаба Худонинг чопарлари билан қўшқўллаб саломлашганимга ишонаман.

Отто фон БИСМАРК, немис давлат арбоби

Таълим-тарбияга пулини аяган давлат қамоқхона қуришга тайёр турсин.

Бизни билган билади, билмаган ўзи билади.

Жалолиддин РУМИЙ



Исмоил ҒАСПИРАЛИ
Ватанни севмоқ, менимча, унинг маорифи учун қайғурмоқ, унга ёрдам этмоқдир!

Абдулла АВЛОНИЙ
Ҳар бир кишининг туғилиб-ўсган шаҳар ва мамлакатини шу кишининг Ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўсган ерини жонидан ортиқ суяр. Ҳатто бу Ватан ҳис-туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз Ватанидан – уюридан айрилса, ўз еридаги каби роҳат-фароғатда яшамас, маишати талх бўлиб, ҳар вақт дилининг бир гўшасида ўз Ватанининг муҳаббати турар.

Н.А. ДОБРОЛЮБОВ
Яқин-яқинларда ҳам ватанпарварлик ватандаги барча яхши нарсаларни мадҳ этишдан иборат эди; ватанпарвар бўлмоқ учун энди бу нарсалар кифоя қилмайди. Чунончи, барча яхши нарсаларни мадҳ этишга ҳали бизда мавжуд бўлган бемаъниликларни аёвсиз фош қилиш ва таъқиб этиш ҳам қўшилган.

Ж.Ж. РУССО
Саховатнинг энг буюк жасурликлари ватанга муҳаббат туфайли юзага келган.

Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ
Ватан ва аҳли диёрнинг қадри мусофиротда маълум бўлур. Ҳақиқатан, Ватан муқаддасдур. Қадрини билмоқ керак. Сотмасга ва ўлгунча айрилмасга керакдур.

ФИТРАТ
Ватан – у менинг жону таним, саждагоҳимдур. У менинг тўлин ойим, тинч-омонлигим, иззатим, шарафим. Каъбам, Қиблам ҳамда гулистонимдур.

Балки қорқиз ясарсан қордан...

Ҳар кунгидан боғлар виқорли,
Қарғалар ҳам боқар беписанд.
Қара, жоним, кўча чиройли –
Сен ҳам ойна олдидамисан?!
Осмон оппоқ,
Ер жуда майин,
Балки қорқиз ясарсан қордан.
Сенга қандай етиб борайин,
Йўлларимни қор босиб қолган.

Хосият РУСТАМОВА

М.Е. САЛТИКОВ-ШЧЕДРИН
Ватан ғояси ҳамма учун бир хил манфаатлидир. У ҳалол кишиларда жасорат ҳақида фикр уйғотади, нопок кишиларни эса, агар ватан ғояси бўлмаганда қилишлари аниқ бўлган кўпгина қабиҳликлардан сақлайди.

А.Н. ТОЛСТОЙ
Ватанпарварлик – ёлғиз ўз ватанига меҳр қўйишдан ибораттина эмас. Бу жуда катта ҳис... Бу – ватан билан ўзини бир бутун деб билиш, унинг яхши-ёмон кунларида асқотиш демакдир.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат БОБОЖОНОВ билан суҳбат

"КИТОБХОНЛИКДА ЎЗИМИЗ ИБРАТ БЎЛАЙЛИК"

– Бугун жамият маънавий ҳаёти юксалишида китобнинг ўрни, китобхонликнинг аҳамияти ҳақидаги фикрларингиз билан ўртоқлашсак.

– Инсон дунёқарашини кенгайтириш ва маънавиятини юксалтиришда китоб энг зарур восита, тарбиячидир. Жаҳонга машҳур алломалар, буюк аждодларимизнинг барчаси китоб туфайли донишмандликка эришган ва авлодларга улкан маънавий мерос қолдирганлар.

Бугун юртимизда китобга бўлган эътибор, жамиятимизда китобхонликни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар ҳар биримизни бирдай қувонтириб, ушбу жараёнларда фаол иштирок этишга ундамоқда.

Айниқса, эртанги кун эгалари бўлган ёшлар ўртасида мутолаа маданиятини ривожлантиришга жиддий аҳамият қаратилаётганини алоҳида таъкидлаш керак. Сўнгги икки-уч йилда ушбу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус эса бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чикди. Ушбу эзгу ташаббуслардан бири ҳам айнан ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

Бугун китобхонлик тарғиботи билан боғлиқ жараёнлар ҳар куни, ҳар бир ҳудудда давом этмоқда, десак муболаға бўлмайди. Ёшларимиз турли танловларда ўз билимларини намойиш этиб келаётганларини кўриб бунинг гувоҳи бўлмоқдамиз. Биргина "Ёш китобхон" танлови доирасида ҳудудларда минглаб истеъдодли ёшлар кашф этилгани, улар танловларда ўзгача иштиёқ ва ишонч билан қатнашгани, айниқса, қувонарлидир.

Мен ҳудудларда бўлиб, аҳоли вакиллари билан учрашувлар чоғида кутубхона ва китоб дўконларига кирганимда, нафақат ёшларимиз, балки ёши катта инсонларнинг ҳам янги-янги китобларни излаб ўқиётганига, юртдошларимизнинг китобга бўлган меҳри ортиб бораётганига гувоҳ бўламан. Албатта, катталар фарзанду набираларига китобхонлик борасида ҳам ибрат бўлишлари зарур, деб ҳисоблайман. Ҳаётий сабоқлар, одоб-ахлоқ, меҳр-оқибат, ватанпарварлик ва садоқат тўғрисидаги ўгитлар китоб воситасида сингдирилса, янада таъсирли бўлади.

Зиёли инсоннинг тарбиясини олган фарзанд билан тарихини, миллий қадриятларини, динини билмаган одамнинг тарбиясини олган фарзандлар ўртасида сезиларли фарқ бўлади, албатта.

Чунки мутолаа инсонни фикрлашга ўргатади. Бошқалар билан мулоқот, муомала маданиятини шакллантиришга хизмат қилади. Дунёқараши кенг, теран фикрловчи ва маънавияти юксак инсонлар эса ҳар қандай жамиятнинг ютуғи ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, китоб ўқиган инсоннинг ҳаётдаги мақсади, орзулари, атроф-муҳитга муносабати бошқача бўлади.

2-бет

"ҲАР КЎНГИЛНИНГ АЙТАР СЎЗИ БОР"

Озарбойжон Ёзувчилар уюшмаси драматургия бўлими раҳбари, ёзувчи, драматург, шоир, таржимон Фируз Мустафо билан суҳбат

– Фируз оға, аввалам бор, Ўзбекистонга хуш келибиз! Биринчи навбатда, Озарбойжон ва Ўзбекистоннинг адабий аълоқалари ҳақида фикрлашсак.

– Миллатларимизнинг сўнгги йилларидаги ҳам адабий, ҳам ижтимоий-сиёсий аълоқалари одамни хурсанд қилади. Бу муносабатлар ҳар биримизнинг ҳаётимизда муҳим ўрин тутиши ҳаракатларимиз, интилаётган мақсадларимизга қараб албатта. Адабиёт – икки миллат ўртасидаги кўприк. Бу кўприкнинг қай даражада мустаҳкам бўлиши, салобатли кўриниши ҳар бир ёзувчи-шоирнинг гарданига тушади. Икки халқнинг азалдан орзуси бир, эрк ва ҳурликка асрлар давомида интилиб яшаган, бир сафда туриб курашган, бирга иморат кўтаришган, давлат тиклашган, хуллас, бир-биридан кўмагини аямаган.

Эндиликда чеккан заҳматлари ўлароқ, озодлик, бахт уларнинг доимий ҳамроҳига айланди. Кейинги мақсад эса озарлар, турклар, ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар бирлашиб муштарак бир адабиётни шакллантирмоғимиз лозим. Майли, оҳангларимиз турфа, шаклларимиз ҳар хил, тилимиз бошқа бўлсин, бироқ халққа, одамларга, юракларга айтадиган сўзимиз битта-ку. Ана шу сўзни юксакдаги туғ янглиғ ҳайқириб айтайлик, ҳамма эшитсин, шаҳд ила қалбларга жойлайлик, ҳамма ўша олов-ла яшасин, қолгани эса Яратгандан...

Аминманки, шундан сўнг адабиётимизу адабий аълоқаларимиздан, уларнинг бугунию эртасидан хавотир олишга ҳожат қолмайди. Асосийси, ёзиш, ёзиш ва яна ёзиш. Ёзганда ҳам сўз маъсулияти, халқ олдидаги муқаддас бурчни унутмасдан ёзиш.

– Ўзбек адиблари, шоирлари, умуман олганда, ўзбек адабиёти ҳақида нима дейсиз?

– Биринчи марта мароқ билан ўқиган китобим Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар" асари эди. Ўқиганимдан кейин анча пайтгача асар ҳаяжони, ўйлари, фикрлари ичра гангиб юрганман. Ичимдан чирт этиб нимадир узилади, асар муаллифига қилинган зуғумлар, қаршиликлар, эрта битган умрини эсласам. Асар мени жуда тўлқинлантирган. Ҳар миллатда биттадан бўлса ҳам шундай ёзувчи бўлса... етиб ортади аслида.

Ўзбек адабиёти туйғуларга, ҳисларга, ўйларга бой адабиёт. У шеър бўладими, ҳикоями, романми ёхуд саҳна асарими, ижодкорнинг ички олами яққол кўриниб туради. Бу эса ўқувчини ҳайратлантирмасдан қўймайди. Камина Мақсуд Шайҳзодани, Ойбекни, Абдулла Қодирийни, Ғафур Ғуломни, Абдулла Қаҳҳорни ўқиб тураман. Англаб етганим шуки, ёзувчи ва асар бир бутундир. Шахсан таржимонларингиз билан кўп гурунглашиб тураман. Улардан ўзбекнинг қайси ёзувчиси қай даражада эканини сўрасам, ҳаммаси бир жавобни қайтаради, буни қарангки, жавобда юқорида санаб ўтганларим саноқ бошида турибди. Демак, қўрқмасдан айта оламан, мен исмларини тилга олганлар жаҳонга чиқишга қодир ёзувчилар.

Яхши кўриб мутолаа қилганларимдан яна бири Ойбек ва унинг "Навоий" романи. Роман равон тилда ёзилгани учун қўшиқ ҳиргойи қилаётгандай ўқиб кетилаверади. Асар сюжети, воқеалар, тугун ва ечим мукаммал. Навоийнинг қандай шахс эканини англатувчи гўзал асар, десам, адашмаган бўламан. Аниқ биламан, ўзбек адабиётида бундай асарлари кўп.

Фақат бир ҳол мени ташвишга солади, яқин йиллар ичидаги ўзбек адабиётининг аҳволидан хабардор эмасман. Бу балки таржимонларнинг айбидир, ахир, ўтмишда шундай ёзувчилар етишиб чиққан адабиётдан бундан кейин яхши адиблар чиқмаслиги нотабиий ҳодиса.

3-бет

БИРИНЧИ МЎЖИЗА

Қадим замонлардан бери одамлар оламда етти мўъжиза бор, деб ҳисоблашади. Булар – Миср фиръавнларининг эҳромлари, Бобилнинг осма боғи, ов худоси Артемида маъбуди, Зевснинг ҳайкали, Галикарнас мақбараси, қуёш худоси Гелиоснинг ҳайкали ва ниҳоят, Наҳри Нилда Фарос оролидаги маёқдир. Дарҳақиқат, улар бениҳоя улуғвор, бениҳоя ноёб ва гўзал. Улар яратилгандан бери неча асрлар ўтди. Лекин етти мўжиза инсон ақлининг, тафаккурининг, қалбининг оташин мадҳияси, инсон даҳосининг улуғлигига қўйилган мангу обида бўлиб келмоқда. Бироқ, шундай бўлса-да, оламда яна бир мўъжиза борки, унинг буюклиги, муқаддаслиги етти мўъжизанинг жамики улуғворлиги, гўзаллигидан кам эмас. XX аср одамининг ҳаётига у нондек, ҳаводек, радиодек сингиб кетган, шунинг учун уни қўлга олганимизда мўъжиза билан учрашгандай ларзага тушмаймиз, унинг муқаддаслигидан орзиқиб-энтикиб кетмаймиз, тилимиз лол бўлмайди. Бу мўъжиза – китоб. Китобнинг мўъжиза, мўъжиза бўлганда ҳам биринчи мўъжиза эканини кўпгина буюк одамлар қайд қилган. "Китоб – билим манбаи", деган эди Алексей Максимович Горкий. "Китоб – бизнинг жипс саҳифаларга жойлаштирилган кўп асрлик тажрибамиздирки, у ер юзидаги инсон ақлига мангу ҳаёт бағишлайди", деб ёзади Леонид Леонов. Австриялик машҳур ёзувчи Стефан Цвейг китобнинг кашф қилинишини ғилдиракнинг ихтиро қилиниши билан баравар қўяди. У ҳам китоб мадҳига бениҳоя эҳтиросли, жўшқин мисралар бағишлаган. "Китоб бор жойда одам ўз ўзи билан, ўз савиясининг чор деворига ўралиб, ортиқ ёлғиз қололмайди, балки у ўтмишдаги ва ҳозирги жамики ҳодисаларга ошно бўлади, бутун инсониятнинг фикрлари ва ҳисларидан баҳраманд бўлади".

Озод ШАРАФИДДИНОВ

Дарҳақиқат, китоб, китоб шаклида яшайдиган адабиёт бугунги инсонни унинг узоқ авлод-аждоди билан, ота-боболари билан боғлайди. Китоб, адабиёт минг йил аввал инсоният қандай яшаганини, бошидан қандай ташвишлар, кулфатлар, фожиалар кечирганини маълум қилиб қўя қолмайди, балки уларнинг ҳис-туйғуларини ҳам, қалбидаги шодлик ва ғуруруни, ғам ва андуҳини, умид ва ишончини ҳам гард юқтирмай бизнинг кунларга етказиб келади. Санъат, адабиёт, китоб эскирмайди, чунки у инсон билан, унинг эҳтиёжлари билан боғлиқ. Инсоният мавжуд экан, у тарих ғилдирагини айлантирар экан, бу борада фақат ақли билан эмас, ҳислари билан ҳам иш юритар экан, санъат ва адабиёт ҳам яшайверади. Яшаганда ҳам инсон учун энг зарур нон, кийим-кечак, бошпана сингари ардоқли бўлиб яшайди. Санъат ва адабиёт одамларнинг қалбига озуқа беради, уларни янги-янги ишларга, курашларга илҳомлантиради. Айниқса, бизнинг давримизда санъатнинг рўли, адабиётнинг тарбиявий аҳамияти ҳам кун сайин орта боради. Бироқ санъат ва адабиётнинг қадрига етиш учун, унинг бойликларидан тўла баҳраманд бўлиш учун, унинг ривожланиш йўлини аниқ белгилаш учун санъат ва адабиётнинг тарбиявий аҳамияти масаласини тўғри ҳал қилиш керак. Бир қарашда бу масала жуда жўн, ҳал қилиниши бир пиёла чой ичишдек осон кўринади. Адабиёт инсонни тарбиялайдиган муҳим воситa, янги жамият қурилишида ўткир жанговар қурол. Буни ҳамма ёд билади, ҳамма тан олади. Шундай экан, яна қандай мураккаблик бўлиши мумкин? Аммо, гап шундаки, ҳар қандай қуролдан маҳорат билан фойдалана билиш керак. Ношуд қўлларда зарур пайтда пистони чақилмай қолса ёки отилган ўқ варанглашдан бошқа нафи тегмай, зое кетса, бундан ёмони йўқ.

Китобхонлар ўртасида ҳам адабиётнинг ролини, тарбиявий қимматини бир ёқлама тушуниш ҳоллари кўп. Бундай китобхонлар асарда ҳамма нарса "икки карра икки тўртдай" содда, лўнда ва аниқ бўлишини, ҳамма нарса сўзсиз айнан ҳаётнинг ўзидагидек талаб қилишади. Масалан, Темур саганасида Улуғбек бобосининг руҳи билан суҳбатлашганини ўқиб, бўлмаган гап, бизнинг давримизда арвоҳ йўқ деб "чуқур" хулоса чиқарилади. Ёхуд ёзувчи айтадиганини айтиб бўлиб, баъзи тафсилотлар ҳақида индамай асарни тугатса, балога қолади, "Бу ёғи нима бўлади?" деган саволларга кўмилиб кетади. Одил Ёқубовнинг "Муқаддас" повести чиққанда шундай бўлган эди. Кўп ўқувчилар, асосан, Шариф билан Муқаддас топишадими-йўқми, деган ташвишга тушиб қолишган эди. Холбуки, повестнинг маъноси, мағзи, асосий масаласи Шариф билан Муқаддаснинг топишиш-топишмаслиги эмас, ҳаётдаги дастлабки мустақил қадамларда икки ёшга дуч келган қийинчиликлар ва уларни енгишда ёшлар характерининг тобланиши, тўғрилик, виждонийлик, одамийлик сифатларининг шаклланиши эди.

Адабиёт – инсон кашф қилган ҳамма мўъжизалар, ҳамма буюк ихтиролар ичида энг буюги, энг улуғвори. У ажойиб булоқ. У шундай булоқки, унда кўз ёшининг мусаффолиги, қизлар ҳандасининг қўнғироқдек оҳангдор ҳаранги, камалак нурларидек ранг-баранг товланиши бор. Бу мусаффо булоқдан тўйиб-тўйиб ичишга, ота-боболаримиз, авлод-аждодларимиз бизга мерос қолдириб кетган асрий ташналикни – зиё, нур, фикр ташналигини қондиришга шошилинг, одамлар!

"Оламнинг қалби" китобидан
1968 йил

«КИТОБХОНЛИКДА ЎЗИМИЗ ИБРАТ БЎЛАЙЛИК»

(Давоми. Боши 1-саҳифада)

Ҳозирги кунга келиб ҳар бир соҳада бўлгани каби китоб нашр этиш борасида ҳам янгиланишлар кузатилиб, ижодий рақобат кучаймоқда. Бир вақтлар ўқувчи ўзи қидирган ноёб китобни кутубхоналардан ёки таниш-дўстлардан қидирар, топилганда ҳам у китоб қўлдан-қўлга ўтавериб, сифати анча эскириб қоларди. Шунда ҳам ўша асар талашиб ўқилар, қизғин муҳокамаларга сабаб бўларди. Бугунги китобхон эса энг янги, замонавий усуллардан фойдаланилган ҳолда нашр этилган миллий ва жаҳон адабиётининг дурдона асарларини ўқиш имконига эга. Қолаверса, Интернет тармоғи орқали ҳам исталган адабиётни саноқли дақиқаларда излаб топиш мумкин. Фақат Интернетдан тўғри фойдаланиш, ахборот маконида холис ва носолис маълумотларни бир-биридан фарқлаш зарур.

Муҳими, китоб ўқишга иштиёқ бўлса, ёшларни кўпроқ китобга ошно қила олсак, маънавий етук, юрт тараққиёти йўлида садоқат билан хизмат қиладиган, мамлакатимиз келажагининг асл бунёдкорлари етишишига ҳисса қўшган бўламиз.

– Болалик, ўсмирлик даврингизда қайси китобларни ўқигансиз. Улар сизда қандай таассуротлар уйғотган?

– Китобхон авлодни вояга етказиш, болани китоб ўқишга одатланишга ўргатишда кутубхоначиларнинг ҳиссаси катта бўлади. Ўзингиз эсланг, мактаб кутубхонасида биз қидирган китобни топиб берган ёки қайсидир китобни бизга илиниб, тавсия этган ҳам, китобдаги энг таъсирли воқеалар ҳақида гапириб, бизни асарга янада қизиқтирган ҳам шу кутубхоначилар бўлади.

Болаликда мактаб кутубхонасидан француз ёзувчиси Жюль Верннинг фантастик, саргузашт жанридаги асарларини олиб, қизиқиб ўқиганман.

"Капитан Грант болалари", "Ўн беш ёшли капитан", "Сув остида саксон минг километр" каби китоблардаги воқеалар ҳалигача ёдимда. Ушбу китоблар мени шунчалик қизиқтирганки, айримларини ҳатто бир кеча-кундузда ўқиб тугатганман.

Асар қаҳрамонларининг иродаси, мақсад сари интилиши, олижаноб инсоний фазилатлари мени жуда таъсирлантирган, десам тўғри бўлади.

Мактабимиз кутубхонаси у қадар катта бўлмаса-да, мен учун энг қизиқ китоблар, қадрдон ёзувчиларнинг асарлари мавжуд эди. Кейинчалик туман марказидаги кутубхонага аъзо бўлганман.

– Ёшларимизга қайси ўзбек ёки жаҳон адибларининг асарларини ўқишларини тавсия қиласиз?

– Бугун китоб дўконлари ва кутубхоналар кўп, унда янги ва яхши асарлар ҳам истаганча топилади.

Аслида, бошқаларга тавсия қилиш мумкин бўлган китобларнинг саноғига етиш қийин. Мен фарзандларимизга, биринчи навбатда, ўз ёшига мос, миллатимиз тарихи, маънавияти, қадриятларини ўзида акс эттирган китобларни ўқишларини тавсия этган бўлардим.

Хусусан, "Қобуснома", "Темур тузуклари", "Бобурнома", Султон Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги асарлар ва ҳазрат Алишер Навоий ижодини, буюк алломаларимизнинг ҳикматли сўзларини ўқиб-ўрганиш, билиш зарур.

Қолаверса, ўзбек адабиёти намояндалари саналган Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Ғафур Ғулом, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Асқад Мухтор, Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев, Тоҳир Малик, Тоғай Мурод каби ёзувчиларимиз асарларини, Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов каби шоирлар шеъриятини, жаҳон адабиётидан Чингиз Айтматов, Жек Лондон, Теодор Драйзер, Габриэль Гарсиа Маркес, Александр Дюма, Фёдор Достоевский, Михаил Булгаков, Лев Толстой асарларини ўқишни тавсия қиламан.

– Мумкин бўлса, ўзингиз кейинги пайтда қандай китоблар ўқиётганингиз ҳақида билмоқчи эдик.

– Сўнги вақтларда кўпроқ тарихий асарлар ўқидим. "Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи" ва икки томли янги "Ўзбекистон тарихи" китобларини, Хоразм ва Хива тарихига оид янги асарларни мутолаа қилдим. Тарихни қанчалик ўқиб-ўрганганингиз сари, унинг сирлари очилиб бораверади. Кўп нарсани биламан, деган одам тарихий китобларни ўқиса, ҳали анча-мунча маълумотлардан бехабар эканини англаб етади. Тарихий китоблардаги ҳар бир давр ва ҳодисалар, зиддиятлар ва шахслар ўқувчини ибрат олишга ундайди. Тарихий асарлар ва уларда аждодларимизнинг босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақидаги ҳикоялар, айниқса, ёшларимизда ғурур ва ифтихор, юртга садоқат ва ватанпарварлик туйғуларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

– Китоб эзгулик эшигини очади, барча ёвузликларга қалқон бўла олади, деган тушунчани қандай изоҳлайсиз?

– Инсон маънавий-руҳий комиллик даражасига етишишида китобчалик қудратли восита йўқ.

Тарихдан маълумки, азалдан маърифатпарварлар, донишманд устозлар одамларни китоб ўқишга, ундан илму маърифат сирларини ўрганишга ундаб келганлар. У энг яхши суҳбатдош бўлиб, қийин вазиятларда ҳам сизга содиқ дўст бўлиб қолади ва турмуш чорраҳаларида тўғри йўлни кўрсатади.

Жамиятдаги иллатларнинг кўпчилиги фикрсизликдан, тафаккурнинг саёзлигидан келиб чиқади. Оқу қорани ажратолмайдиган, яхши-ёмоннинг фарқига бормайдиган, бир сўз билан айтганда, китоб ўқимаган ўсмирлар орасида жиноятга қўл ураётганлари кўп учрайди.

Болалигидан китобга меҳр қўйган инсон учун мутолаа кундалик эҳтиёжга айланади. Одам сув ва ҳавосиз яшолмаганидек, китоб ўқимасдан туролмайдиган бўлади. Мутолаага ташна одам учун китобнинг хуморини бошқа ҳеч нарса босолмайди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, устоз адабиётшунос Озод Шарофиддиновнинг, бир зум бўлса-да, қўлидан китоб тушмаган экан. Улар оғир хасталикка чалинган кезларида жарроҳлик амалиётига тайёргарлик вақтида ҳам китоб мутолаа қилиб турганларини кўрган шогирдларидан бири: "Устоз, бир неча дақиқадан сўнг операция бошланади, сиз хотиржам китоб ўқимоқдасиз", дебди ҳайратини яширолмай. Шунда раҳматли домла: "Шу китобни беш-олти варағи қолган эди, тугатиб кўя қолай. Мабодо, у дунёга кетиб қолсам, асарнинг якунини билолмай кетаманми?" деган экан ҳазил оҳангида.

Чинакам асарнинг шундай оҳанрабоси бўладики, сизни ҳар қандай вазиятда ҳам ўзига ром этаверади. Бунинг завқини асл китобхонлар жуда яхши ҳис қиладилар. Қолаверса, китоб инсонга куч беради, иродали бўлишга, қалтис вазиятларда адолатли қарор қабул қилишга ўргатади. Мардликка, саховатга, бошқаларга яхшилик қилишга ундайди. Асар қаҳрамонларининг тақдири, хатоларидан сабоқ чиқаришга, ёвузликлардан, иллатлардан нари юришга мажбур қилади. Бир сўз билан айтганда, ўтмишдан, келажақдан огоҳ қилади, дейиш мумкин.

Китоб ўқиб, ундаги илмга амал қилган кишидан ёвузлик чиқмайди, аммо ўқиган китобларидаги ғоя ва фикрларнинг мағзини чақмаган инсондан эса яхши фикр чиқиши қийин. Халқимиздаги "ўқиган бошқа, уққан бошқа", деган ибора бежиз айтилмаган.

– Бугун ички ишлар тизимида китобхонлик борасида қандай тадбирлар амалга оширилянти?

Ички ишлар органлари ходимларининг дунёқарашини кенгайтириш, маънавиятини юксалтириш масаласи бизнинг доимий диққат марказимизда. Чунки халқ манфаатлари йўлида, одамларнинг розилигини таъминлаш борасида хизмат қилаётган ҳар бир ходим, энг аввало, муомаласи, маънавияти, билими билан ажралиб туриши керак.

Ходимларнинг хизмат фаолияти ниҳоятда серқирра, шунга мос тарзда, уларнинг кундалик иши ҳам жуда тиғиз. Лекин бугун замон билан ҳамнафас бўламан, деган ҳар бир давлат хизматчиси, жумладан, ички ишлар органлари ходимлари ҳам доимо ўз устида ишлаши, билим ва кўникмаларини тинимсиз ошириб бориши, кундалик даврий нашрларни кузатиб, мутолаа учун вақт топиши лозим. Китоб ўқимаган, дунёқараши тор, нутқий маҳорати бўлмаган ходим юқорида таъкидланган вазифаларни сифатли бажаролмайди.

Шу боис ҳам ички ишлар органларида китобхонлик маданиятини ривожлантириш, ходимларнинг ўз устида ишлаши учун зарур шароитлар яратиш борасида кўп ишлар амалга оширилмоқда.

Вазирликда Маърифат ва ахборот-ресурс маркази ташкил этилиб, замонавий электрон кутубхона фойдаланишга топширилган. Кутубхонада ҳуқуқий, тарихий-сиёсий, бадиий, илмий-оммабоп ва бошқа жанрлардаги адабиётлар ҳамда етти мингга яқин электрон ресурслар мавжуд бўлиб, доимий равишда янги адабиётлар билан бойитиб борилмоқда. Электрон кутубхона Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси базасига ҳамда Интернет тармоғига уланган бўлиб, ходимлар шу ердан туриб Миллий кутубхона базасидаги ноёб китоблар, диссертация ва авторефератлар ҳамда дунёнинг барча давлатларида чиқадиган даврий нашрлар билан танишиш имконига эга бўлдилар. Бундан ташқари, Вазирликда янги китоб дўкони очилган бўлиб, ходимларимиз энг янги асарларни биринчилардан бўлиб олишлари мумкин.

Ҳудудий ички ишлар органлари ва таълим муассасаларида ҳам бу борадаги ишлар алоҳида назоратга олиниб, жойларда ташкил этилган кутубхоналар мунтазам равишда янги адабиётлар билан бойитиб борилмоқда. Масалан, ўтган йилда Қашқадарё вилояти ИИБ қошида "Дор ул-кутуб" номли замонавий китоблар уйи фаолият бошлади. Бундай масканлар пойтахт ички ишлар органлари ва бошқа ҳудудий идораларда ҳам ташкил этилган.

Ички ишлар органлари ходимлари ўртасида китобхонлик маданиятини оммалаштириш мақсадида Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий кенгашининг тегишли қўшма қарорига асосан, илк бор ички ишлар органларининг ёш ходимлари иштирокида "Энг яхши китобхон" танлови ўтказилди. Танловда таркибий ва ҳудудий ички ишлар органлари, ҳарбий қисмлар ва таълим муассасаларининг икки минг нафарга яқин ходимлари иштирок этдилар. Юқоридаги каби тадбирларни янги йилда ҳам барча ички ишлар органларида изчил давом эттириш кўзда тутилган.

– Китобхонлар ўқиши учун қайси китобларни тавсия этасиз? Ўзингизга ёққан 10 та асар рўйхатини келтирсангиз.

1. Абдулла Қодирий. "Ўтган кунлар".
2. Саид Аҳмад. "Уфқ".
3. Тоҳир Малик. "Одамийлик мулки".
4. Жумабой Раҳимов. "Ватаннинг шерюрак баҳодири".
5. Александр Дюма. "Граф Монте Кристо".
6. Уинстон Черчилль. "Иккинчи жаҳон уруши" (6 томлик).
7. Теодор Драйзер. "Америка фожиаси".
8. Фёдор Достоевский. "Жиноят ва жазо".
9. Лев Толстой. "Уруш ва тинчлик".
10. Михаил Булгаков. "Уста ва Маргарита".

– Самимий суҳбат учун раҳмат! Янги йилда Сизга ва сиз орқали барча ички ишлар органлари ходимларининг юрт тинчлигини асраш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш борасидаги хизмат фаолиятларингизда муваффақият ва куч-ғайрат тилаймиз!

Шавкат ОДИЛЖОН
суҳбатлашди

БОЛАЛАРИМИЗ КИТОБДАН УЗОҚЛАШМАСЛИГИ КЕРАК

Миллатимизнинг улуғ маърифатпарварларидан бўлмиш Абдулла Авлонийнинг "Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир" деган хитобини доим ич-ичимдан ўтказиб, бу сўзларнинг нақадар ҳақиқат эканидан ҳаяжонга тўлиб юраман.

Дарҳақиқат, тарбия инсон зийнати экани ҳеч биримизга сир эмас. Тарбияни эса китобсиз тасаввур этиб бўлмайди. Масалан, жажжи болажонларни олайлик. Улар бобо ва бувилари, ота-онаси ўқиб берадиган эртакларни, ибратли ҳикояларни бутун вужуди билан эшитади. Ҳатто мурғак тасаввури билан ўша эртак ва масалдаги воқеа-ҳодисаларга ишонишади ҳам. Баъзан катталарни бирин-кетин саволларга кўмиб ташлайди. Ёки эртак ва уй ҳайвонлари, қушлар ва бошқа жонзотлар, мева-сабзавотлар акс эттирилган суратли китобларни болаларча беғуборлик билан томоша қилади. Қўлига қалам олиб, суратларни бўяйди, чизади. Айниқса, кичкинтойларни китобга ошно қилишда мактабгача таълим ташкилотларидаги боғча опалар – мураббийларнинг хизматлари беқиёс. Улар ҳар бир машғулотда болага шеър ёки қўшиқ ўргатиш, эртаклар сўзлаб бериш, болажонларни эртак қаҳрамонлари иштирокидаги саҳна кўринишларига жалб қилиш орқали китоб тарғиботини амалга оширишмоқда. Шу ўринда ташаббускор ота-оналар ва таълим ҳомийлари томонидан муассасаларга бир-биридан сермазмун болалар адабиётлари туҳфа қилинаётганини ҳам мамнуният билан эътироф этиш лозим.

Бундан ташқари, фарзандимизга қайсидир асар асосида яратилган ибратли мультфильм, кино ёки видеофильмларни уларнинг мазмун-моҳиятини тушунтирган ҳолда кўпроқ кўрсатишимиз керак. Шу билан бирга, боланинг қайсидир касбга бўлган қизиқишлари, орзуларидан келиб чиққан ҳолда ҳам китоб ҳадя этилиши айни муддао.

Юлдуз ХОДЖАЕВА,
Фарғона вилоят мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи

Кўпгина зиёлиларимиз боланинг китобга бўлган қизиқишини уйғотиш, ортириш учун унинг олдида китобни очиқ қолдириш лозимлигини таъкидлашади. Негаки бола ҳеч ёшдан китобнинг ўша очиқ турган саҳифасига, унда нималар ёзилганига назар ташлайди. Балки бирров кўз югуртириб, ўқиб ҳам кўрар.

Агар тарихга назар ташласак, аксарият зиёлиларимиз "Алпомиш", "Гўрўғли" достонларини, Навоий, Бедил ва Машраб ғазалларини, Абдулла Қодирийнинг "Ўтган кунлар", "Меҳробдан чаён" асарларини ёши улуғлардан эшитиб, болалик чоғларида китобхонлик кечаларида иштирок этиб улғайишганини таъкидлаб ёзишган. Шундай экан, бола китобга ошно бўлса, ундан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Ундан фақат ва фақат эзгулик, яхшилик кутиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, давлатимиз раҳбари томонидан 2019 йилда илгари сурилган 5 та энг муҳим ташаббуснинг бири ҳам китобхонлик билан боғлиқдир. Бинобарин, ана шу хайрли ташаббус доирасида мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларига китоблар карвони етиб борди. Энг олис қишлоғу овулларимизда ҳам замонавий кутубхона ва маданият масканлари қад ростламоқда. Мазкур маънавият ўчоқларидан эртаю кеч ёшларнинг қадами узилмаяпти. Бошқача айтганда, биз китобни севишни, китобхонликни аждодларимизмиздан ўрганса арзийди. Зеро, зиёга, маърифатга ташналик қонимизда бор.

Мен бир аёл, бир зиёли инсон сифатида келинларимизнинг сепида китоб ҳам бўлишини жуда-жуда хоҳлардим. Чунки бўлажак она китоб ўқиса, унинг зурриёди, албатта, келажакда юксак салоҳиятли инсон бўлиб вояга етади. Юрт ва миллат фахрига, ўз касбининг фидоийсига айланади.

Бир сўз билан айтганда, китобхонликни оиладан, таълим тизимининг пойдевори саналмиш мактабгача таълимдан бошлаш зарур. Зотан, китоб комиллик калитидир.

“ҲАР КЎНГИЛНИНГ АЙТАР СЎЗИ БОР”

(Давоми. Боши 1-саҳифада)

– Бир нечта романларнинг, саҳна асарларининг, шеърий тўпламларнинг, таржима китобларнинг муаллифисиз. Қайси йўналишда ёзиш сизга маъқул келади?

– Аввало, бир фикрни айтмоғим лозим: ижодкор шеър ёзадими ёки ҳикоя, асосийси, айтадиган сўзи бўлса бас. Мен ҳеч биридан узоқ ҳам кетмайман, ҳеч бирига ён ҳам босмайман. Кимлардир “Менга бу йўналишда, бу шаклда, бу қофияда, бу вазнда... ёзиш маъқул”, дейиши мумкин. Фикри ожизимча, бу – энг катта хато. Ахир, айтар сўзи бор одамга вазну шаклларнинг қизиғи йўқ. Айтмоқчи сўзини шеърда очиб беролмадими, ҳикояда ўзини синаб кўрсин, роман ёзсин, агар лозим бўлса, саҳна асари қилсин ёхуд қўшиққа айлантирсин. Такрор ва такрор айтаман: асосийси, айтар сўзи бўлсин. Мана, жаҳон адабиёти нега буюк, чунки жаҳон ёзувчи-шоирларида юракка, руҳга оғирлик тушириш йўқ. Ўзлари адабиётда янги ўзан очишади, ҳеч ким хаёлига келтирмаган шакллар ўйлаб топишади, аниқки, бундаги фикр ва сўз ҳам эътиборингиздан четда қолмайди.

Мен ўзимни “Сен бугун ҳикоя ёзишинг керак, кеча шеър ёзгандинг”, – деб қийнамайман. Кайфият, руҳий ҳолатимга қараб қоғоз узра қаламни юргизаман. Ўзни мажбурлашдан одамларни на ҳайратга, на ҳаяжонга солувчи асар туғилади. Бу ўзингиз учун ҳам, бошқалар учун ҳам зарарига хизмат қилади, холос.

– Асарларингиз бир нечта тилларга таржима бўлган. Уларнинг қай биридан кўнглингиз тўлган, қай бири ижодингизни бор бўйича очиб беролган?

– Шеърларим, ҳикояларим, эсселарим, драмаларим рус, ингиз, турк, ўзбек каби бир қанча тилларга таржима қилинган. Бу мақтовга лойиқ бўлиши мумкин, аммо масъулияти жуда катта. Масъулият ҳақида кўп гапиряпман, сабаби, ўзини ижобий маънода тергаётган, танқид ва таҳлил қилолган кўпчилик ёзувчиларнинг китобларини ҳозирда кечаю кундуз, йўлдаю уйда қўлдан қўймай ўқиймиз, ҳатто қизғаниб ёстиғимиз тагигача беркитиб қўямиз. Достоевский, Пушкин, Кафка, Камюларни назарда тутяпман. Улар ҳар бир инсоннинг руҳшуносидай туюлади менга, ўз кўнглингизни кўзгу ўлароқ сизга кўрсатиб беради.

Мен учун яна бир муҳим ҳолат – бу бошқа миллат вакили ёзганларимни ўқиган пайти кўнглидан нималар ўтиши, унга қанчалик сўзимнинг таъсир қилиши. Аслида, ўзим ҳақимда китобхонда, озгина бўлса-да, тасаввур пайдо қила оларменканман? Шеърим унинг сокин қалбига ҳаяжонга солармикан, ҳикоям мутолаасидан кейин кечалари узоқ ўйга толармикан? Ҳар доим ўзимни шундай саволлар берганча ижод қилишга чорлаб тураман.

– Ғарб ва шарқ шеърияти ҳақида фикрларингизни ўртоқлашсангиз – қай бири сизни кўпроқ таъсирлантиради, қай бирини кўпроқ ўқиб борасиз?

– Ғарбда борни бутунлигича олдингизга қўйишади, шарқ эса бундан бироз чекинган ҳолда, воқеани, фикрни, туйғуни зарқоғозга ўраб сизга узатишади. Бу иккисининг ҳам адабиётда ўз ўрни бор, чунки кимгадир очиқ ёзилган, ортиқча безакларсиз битиклар хуш келса, кимгадир эса бунинг акси. Ўртада туриб ёза оламан, деган одам адашади. Чунки ўрта – аросат. Аросат эса сизни ҳеч қаерга бошлаб бормайди. Бир йўлни танлаш ҳам айни вазиятда сизнинг қўлингизда эмас. Ё сиз айта оласизми, шарқда фақат фалсафа орқали, ғарбда эса фақат очиқ ёзилади деб. Йўқ, албатта. Ёзиш руҳий кайфият сабаб дунёга келади. Яхши асарлар тасодифий ҳолатлар сабаб ёзилади, бу ҳол гўё кўкда чақмоқ бир чақиб, из қолдиргани кабидир. Кутилмаганда битилган шеър – кутилган олқишга сазовор бўлиши ҳеч гапмас.

Шу ўринда яна бир фикр, қай даражада ёзишингизни кимларни ўқишингиз белгилаб беради. Баланд асарларни ўқисангиз, баланд ёза оласиз. Таъсирсиз ёзадиган одам – қуруқ одамдир. Қақшаб ётишдан асрасин ҳаммамизни! Шуни англаган бир ёзувчи сифатида айтишим мумкинки, мен шу пайтгача санаб ўтган асарларим, номини қайта-қайта тилдан қўймаган ёзувчиларим сабабдир эҳтимол, дунё ва кўнгиллар аро қанотлари толмас қушдай кезиб юрибман. Шукрки, ўз ўқувчиларим бор. Агар биргина ўқувчим қолганида ҳам фақат шу учун ёзган бўлардим.

– Озарбойжонда “Театр” газетасида ишлагансиз. Ҳозирги даврда вақтли матбуот, айниқса газета, журналлар бир қадар оқсаб қолди, бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз? Халқнинг ўқимаслигидами ёки матбуотчининг етказиб беролмаслигидами?

– “Театр” журналида ишлаган пайтларим матбуот соҳасида фаолият кўрсатиш, эндиликда журналист сифатида сўзимни кутаётганларга айтиш қанчалик оғир эканини тушуниб етганман. Бу оғир вазифани бажаргувчи одамлар яхши англайди, ўз-ўзидан газета чиқиб қолмайди, меҳнат ва изланиш ўлароқ, одамларнинг севимли нашрига айланиш мумкин. Мана, ҳозирги давр газеталар ва журналларнинг дизайни дейсизми, унда берилаётган материалларми, ҳаммаси кўзни қувнатади, лекин нега ўқувчи кам, одамлар нима сабабдан ўқимай қўйишди? Ҳамма бунинг биринчи сабабини Интернет деб ҳисоблайди, бир қадар тўғри, аммо олдин барибир сабабини ўзимиздан қидириб кўришимиз керак, деб ўйлайман. Одамларга ўзлари истаётган нарсани ўша шаклда, ўша кўринишда фақат ўз ғояларимиз орқали беришимиз керакдир балки?! Бу ҳақида баҳслашсак, гап тугаши амримаҳол.

Мана, мен “Китоб дунёси”нинг мухлисиман, ўзбек тилини жуда яхши тушунмасам-да, суратлардан англайманки, савияси баланд материаллар берилади. Кўзим гоҳида Камюга, гоҳида Достоевскийга тушиб қолади, ич-ичимдан қувонаман. Масалан, бизда баъзи газета ададлари кам, устига устак, кўпчилиги ўзи билан ўзи бўлиб қолган, ундан бирон яхши нарса ўқиш, бирон нарса ўрганиш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Бундай газета кимга керак, сизгами, менгами? Албатта, керакмас. Сизга, менга керак бўлмаган нарса одамларга ҳам керакмас. Адабиётни тушунувчи инсонлар фикри билан ўртоқлашсангиз, нур устига нур бўлади. Икки томон ҳам айбдор бўлмайди шунда.

Бундай ҳолат фақат сизда ё бизда эмас, бутун дунёда юз бермоқда, одамлар китобдан, газетадан узилиб бормоқда, бу яхшилаб ўйлаб кўрилса – жуда аянчли нарса. Ўзимизга ўзимизнинг раҳмимиз ҳам келмайди...

– Ўқувчиларимизга тилакларингиз, дилсўзларингиз бўлса, марҳамат...

– Ҳар қандай ижодкорнинг умри ўқувчи-китобхонлар қўлида бўлади, шундай экан, муҳтарам ўқувчи, сизни ҳеч қачон мутолаа завку шавқи тарк этмасин. Адабиёт, эзулик, меҳр, муҳаббат каби аъмоллар йўлингизда маёқ бўлсин!

Раҳмат БОБОЖОН суҳбатлашди

ШИРОҚ

Ҳикоя

Ёз бошланиб, Яксарт бўйидаги чўлларда ўтлар қовжирай бошлади. Бу ерларда яшовчи сак қабилалари серўт яйловларга кўчиш тараддудига тушишди. Янги ерларга кўчиш чорвачилар учун бир байрамдек эди. Улар баҳор мавсумида яшаб ўрганиб қолган ерларини ташлаб кетиш олдидан бир-бирларининкига қўноқ бўлиб борар, доривор ўтларни еб семирган биялларнинг сутидан тайёрланган ўткир қимизларни ичиб маст бўлган йигитлар қизлар билан лапар айтишар, вақтичоқлик қилишарди. Бироқ бу сафар одамларнинг кўнглига қил сиғмас, ўтловлардан на қўшиқ товуши, на қизларнинг хушчақчақ кулгиси эшитиларди.



Миркарим ОСИМ (1907–1984)

Баланд бир ерга қурилган катта оқ ўтовни эгниларига ярғоқ теридан камзул, бошларига учи ингичка, узун қалпоқ кийган куролли соқчилар қўриқлаб турардилар.

Ўтов ичида эса сак қабилаларининг оқсоқоллари кенгаш қуриб ўтирардилар. Тўрга солинган айиқ териси устида чордона қурган Рустак оқсоқолларига вазиятни тушунтирарди:

– Эрон шоҳи Дараявуш Ўкуздан кечиб, Сўғдияни босиб олди. Эронийлар эл-юртни талаб, эркакларни қул, хотинларни асир қилиб олиб кетаётирлар. Энди навбат бизга келди. Даракчиларимиз шоҳнинг биз томонга Роносбат бошчилигидаги катта бир қўшинни юбормоқчи бўлганидан дарак бераётирлар...

Рустак – соч-соқоли оқарган, бироз мункайиб, чўкиб қолган суяқдор чол. У бир вақтлар кенг яғринли, баланд бўйли паҳлавон эди. Яккама-якка жангларда сак уруғининг душманларидан кўп баҳодирларни ер тишлатган, унинг номи Сўғдияда ҳам, Эронда ҳам машҳур эди.

Ҳозир у саклар ва сўғдияликларнинг ашаддий душмани бўлган Эрон шоҳи ва унинг қора ниятлари тўғрисида гапирар экан, ғазабдан нафаси тиқилар, кўзлари ўт сочар эди. У гапни тутатиб, душманни даф этмоқ учун қандай чоралар кўриш кераклиги тўғрисида ўз фикрларини айтишни уруғ оқсоқолларидан сўради.

– Қўлидан иш келмайдиган чоллар, кампирлар, болали хотинларни қўй ва йилқилар билан узоқ чўлларга юбориб, қолган эр ва аёлларнинг барини куроллантирсак ва душман билан бир томчи қонимиз қолгунча урушсак, – деб гап бошлади уруғ оқсоқолларидан Саксфар. У олтмишга бориб қолган бўлса-да, ёшлардек икки бети қип-қизил, серғайрат ва таваккалчи одам эди. – Уруш қулфати беномуслик машаққатидан яхшироқ. Золим Эрон шоҳига қул бўлгандан кўра жанг майдонида ўлган афзал...

Рустак унинг узундан-узоқ гапини сабр билан тинглаб, бошини қуйи солганча ўйланиб қолди.

– Жангда мардларча ўлмоқ осон гап, лекин душманни янчиб ташлаб, ундан қасос олмоқ қийин. Биз мардлик кўрсатиб, номимизни қолдириш тўғрисида эмас, балки эл-юртимизнинг эркини қандай сақлаб қолиш тўғрисида ўйламоғимиз керак, – деди у қизиққон Саксфарга қараб.

Оқсоқоллар мум тишлагандек миқ этмай ўтирар эдилар. Кўп мамлакатларни босиб олиб, жанг майдонларида кўп тажриба орттирган, яхши қуролланган Эрон қўшини билан урушмоқ жуда қийин экани уларга аён эди. Бошлиқлар бу мушкул муаммони ечиш учун бош қотириб ўтирганларида, ўтов эшиги олдида турган куролли йигит Широқ деган бир чўпоннинг киришга ижозат сўраётганини билдирди.

– Широқ! – деб қошини чимирди Рустак. – Ким у?

– Широқ бизнинг уруғдан. Бутун умри чўпонлик билан ўтган,– деди Саксфар. – Ўзи жуда фаросатли, доно, достончи чол. Эски чалдиворлардан чаён ушлаб ўзини чақтиради. Оғриқ сезмайди. Айтишларича, ёшлигида илон уни чақиб олганда аллақандай гиёҳларни суртиб тузалиб кетган эмиш. Ўшандан бери илон-чаёндан қўрқмайди.

– Андоғ бўлса, чақир бу ёққа ўша чолни.

Эшикдан ёши олтмишдан ошган, тетиккина, барваста бир чол кириб, таъзим қилди.

– Ижозат берсанглар, мен ҳам қаторингизга ўтириб, ўз фикримни айтсам. Нима тўғрида гаплашаётганингизни биламан.

– Ўтир, ўтир, гапингга қулоқ соламиз, – деди Рустак.

– Эрон шоҳининг аскарлари Сирдарё остидаги қум доналаридан ҳам кўп, уларни жангга чорлаб, енгиш маҳол. Шундай бир ҳийла топмоқ керакки, душманнинг оёғи тойиб, ҳалокат жариға қулаб тушсин.

– Қани, айт, қандай ҳийла ўйлаб топдинг? – деб сўради Рустак.

– Буни фақат сенга айтаман. Оқсоқоллар ўтовингни тарк этсинлар.

Рустак бу гапни эшитиб афтлари бурушиб кетган оқсоқолларга бир қараб олди-да:

– Нима, сен шу улуғ зотларга инонмайсанми? – деб сўради.

– Инонаман, улар эл ғамини ейдиган ҳалол одамлар, ўлсалар ҳам душманга сир бой бермайдурлар. Аммо уларнинг яқин дўстлари, инилари, ўғиллари, хотинлари бор. Мен айтган гапларни беихтиёр уларга айтиб қўйишлари мумкин. У ёғи маълум, эл оғзига элак тутиб бўлмайдур. Оқсоқоллар мени кечирсинлар...

Уруғ бошлиқлари бирин-кетин ўринларидан туриб чиқиб кета бошладилар.

Оқ ўтовдан нарироқда чўққайиб ўтирган оддий кўчманчилар Широқни яхши танир, унинг қўбиз чалиб айтган достонларини кўп маротаба тинглаган, ўзи ҳам достонларда мадҳ этилгап шерюрак одамлардан бири эканини билар эдилар.

Орадан анча вақт ўтгандан кейин Широқ ўтовдан чиқди. Уни кўргач, кўчманчилар дахшатга тушиб ўринларидан сакраб туриб кетдилар. Кекса чўпон кесилган иқки қулоғи ва бурнига қуйдирилган намат босиб, сизиб оқаётган қонни тўхтатишга ҳаракат қиларди. Кутилмаган бу фожиадан ғазабланган одамлар унинг атрофини ўраб олдилар ва устма-уст савол ёғдира бошладилар:

– Қулоқ-бурнингни нега кесдилар?

– Сен шўрлик нима гуноҳ қилиб эдинг?

Ранги мурдадек оқариб кетган Широқ тишини тишига қўйиб, ўзини бардам тутишга уринар, уруғдошларининг саволларига жавоб бермасди. Уни бир жойга ўтқазиб, қуйдирилган намат билан қонини тўхтатдилар. Чолнинг саҳро шамоли ва чўл қуёшидан қорайган юзида ғазаб аломати йўқ эди. У ўзига келгач, ўрнидан турди-да, қунботиш томонга қараб кетди. Ҳанг-манг бўлган кишилар унинг орқасидан қараганларича қотиб қолдилар.

* * *

Деҳқончилик ва боғдорчилик билан шуғулланувчи сўғд халқини итоатга келтирган Эрон шоҳи Яксартнинг сўл қирғоғидаги кўчманчилар устига юриш олдидан дам олмоқда. У етти пахса девор билан ўралган боғ ўртасидаги баланд шийпонда ўз аъёнлари билан май ичиб, шакаргуфторлик қилиб ўтирарди.

Мулозимлардан бири шийпон ёнига келиб таъзим қилди-да, қулоқ-бурни йўқ ғалати бир чол шоҳ ҳузурига киришга изн сўраётганини билдирди. Доро суриштириб, келган одамнинг сак қабиласидан эканини билгач:

– Майли, кирсин, – деди.

Икки қуролли мулозим бошлаб келган Широқ шоҳдан ўн беш қадамча берида тўхтади-да, ер ўпди ва ўрнидан туриб, таъзим қилганича қотиб қолди.

Доро баланд бўйли, қушбурун, чиройли одам эди. Унинг понага ўхшаган соқоли кўкрагига тушган ва майин таралган. Устидаги тўқ қизил заррин тўни йилтирар, қўлидаги узун асо дастасига қадалган қимматбаҳо тошлар қоронғи кечадаги юлдузлардек чарақлар эди. Тош қўғирчоққа ўхшаган икки мулозим уни секин-секин елпиб турарди.

Доро камон қошларини чимириб, баланд овоз билан:

– Ҳой одам, ўзинг кимсан, отинг нима ва қайси уруғдансан? – деб сўради.

– Отим Широқ, ўзим сак уруғиданман, – жавоб қилди чол.

– Келиб менинг истироҳатимни бузмоқдан мақсадинг надир?

– Мақсадим мулозамат камарин белга боғлаб, умримни сиз шаҳаншоҳ хизматида ўтказмоқдир. Жаноблари-га хайрхоҳ бўлганим туфайли қабиладошларимдан қаттиқ ситам кўрдим. Уларга мен: «Шоҳи Эрон билан урушаман, деб чиранманг, сизларни бир ҳамлада зеру забар қилгай, яхшиси, итоат камарин боғлаб бориб, ул зоти бобаракотнинг этакларидан ўпинг», дедим. Бу гапдан хабар топган ҳукмдоримиз Рустак ғазабга минди на менинг қулоқ-бурнимни кестирди. Мен энди сизнинг ёрдамингиз билан ундан ўчимни олмоқчиман. Агар ижозати олий бўлса, енгилмас қўшинингизни ёлғиз подачилар биладиган сўқмоқлар билан сак лашкарларининг орқасидан олиб чиқар эдим, кейин уларни қилич дамидан ўтказмоқ қийин эмас...

Широқнинг гапини эшитиб, Доро ўйга толди. Агар жанговар сак қабилалари шу йўсинда яксон қилинса, Ўкуз билан Яксарт ўртасидаги серунум ерларни босиб олган Эрон лашкарларининг бехатарлиги таъмин этилган бўлади. Аммо бу кекса чўпонни бир синаб кўрмоқ керак.

Широқ шоҳнинг ишончсизлик кўзи билан қараётганини фаҳмлаб, ўз сўзининг тўғрилигини исбот қилишга киришди:

– Ахир, қулоқ-бурнимнинг яқиндагина кесилгани кўриниб турибди-ку! Бизникилар бекорга ўз уруғларига бундай ситам етказмайдурлар.

У ўйлаб қўйган далилларини келтириб, узундан-узоқ гапирди ва ўзининг Эрон шоҳига содиқлигини, сакларга душман эканини исбот қилишга тиришди, сўзининг охирида Қуёш тангрисини шафе келтириб онт ичди.

Доро саркардалари билан маслаҳатлашиб, саклар устига қўшин юборишга, Широқни эса йўлбошловчи қилиб олишга қарор берди.

Эрон аскарлари йўлбошловчининг маслаҳати билан етти кунлик сув, озиқ-овқат ва ем-хашак олиб йўлга чиқдилар ва дарёнинг чап қирғоғидаги қум саҳроларидан бориб сакларга орқа томондан ҳужум қилмоқчи бўлдилар.

* * *

Дастлабки кунлар йўл унча машаққатли бўлмади. Чўл ўтлари энди қовжираб келаётган бўлса ҳам онда-сонда булоқлар атрофида кўм-кўк ўтлоқлар учраб турарди. Бора-бора чўл саҳрога айланди, одамлар ва отларнинг сувга эҳтиёжи оша борди. Афсонавий отларнинг тақаларига ўхшаб уюлиб қолган қумтепалардан ошиб ёки четлаб ўтиш осон эмас эди. Қора терга тушиб ҳансираган отлар оёқларини қумдан аранг тортиб олиб, бошларини қуйи солганларича битта-битта қадам ташлаб борарди. Саҳронинг бераҳм қуёши ёмон ниятда қолаётган бу куролли одамларнинг бошидан олов сочар, ичларини куйдириб, ташналикдан лабларини қовжиратар, қумлар устида жимирлаб турган қайноқ ҳаво ўпкаларини ёндирарди.

Лашкарбошиларнинг тоқатлари тоқ бўлиб, саклар лашкаргоҳига қанча масофа қолганини Широқдан суриштира бошладилар. У эса манзилга яқинлашиб қолганларини ва яна икки кун юриш кераклигини айтиб, бошлиқларни юпатарди. Бироқ сермашаққат сафарнинг еттинчи куни ҳам саклардан дарак топмадилар. Ҳаммаёқ дашт-биёбон, одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куяди. Сув, озиқ-овқат, ем-хашак тамом бўлган, ориқлаб кетган отлар ер искаб сув қидиради, қовжираган лаблари шишиб кетган одамлар бир қултум сув учун бир йиллик умрларидан кечишга тайёр!

Широқни ўртага олиб: «Бизни қаерга бошлаб келдинг, аблаҳ! – деб қисти-бастига олдилар. Аскарбошилардан бири уни ёқасидан ушлаб силтади ва ҳақорат қила бошлади. Широқ ёқасини унинг қўлидан қутқариб, намат қалпоғини бошидан олди-да, серажин ва кенг пешонасидаги терини артди. Унинг қовжираган лаблари истеҳзоли табассумдан ёришиб, қийиқ кўзларида ўт чақнаб кетди. Атрофини қуршаб олган ғазабли чеҳраларга мағрур қараб туриб, қалпоғини ерга бир урди-да, қаҳқаҳлаб кулиб юборди:

– Мен енгдим, Доро қўшинини бир ўзим енгдим! – деди у қичқириб. – Сизларни алдаб саҳронинг қоқ ўртасига олиб келдим, – қўли билан кунчиқиш ва кунботиш томонни кўрсатди. – Бу ёғи ҳам етти кунлик йўл, бу ёғи ҳам. Истаган томонингизга бораверинг! Менинг гўрим шу ерда, – деб оёғи остини кўрсатди.

У ўз муродига етгани учун муқаддас оташ ва сув худосига шукур қилиб, аллақандай бир дуони ўқиди. Дарҳақиқат, у ўз элини қулликдан қутқариб қолиш учун жонидан кечган, ёвуз душманни ҳийла тузоғига илинтириш учун минг турли азоб-уқубатни бўйнига олган эди. Мана энди у ниятига етди, душман аскарини ҳалокат жари ёқасига бошлаб келди. Энди душман нима қилса қилаверсин!

У Рустакнинг ҳузурига кирганида шундай деган эди:

– Агар менинг бола-чақам ва невараларимни унутмасанг, ўз ширин жонимдаи кечиб, юрт бошига келган балони даф этардим. Душманни даф қилмоқ учун бир ҳийла ўйлаб топдим. Умрим охирлаб қолди, ахир, бу дунёдан кетмоқ керак. Мен эл-юрт учун ўлимнинг ширин шарбатини ичмоққа қарор қилдим... Гапимга қулоқ сол...

Ҳукмдор унинг гапини охиригача тинглаб, фикрини маъқуллаган эди. Шунда у ёнидан ўткир пичоғини олиб, ўз қулоқ-бурнини кесган ва гўё ўз элига хиёнат қилган бўлиб, душман орасига кирган эди...

Ғазабдан кўзлари олайиб, афт-башараси бужмайиб хунук бўлиб кетган Эрон саркардалари Широқни ўраб олиб, уни ура бошладилар. Саркарда Роносбат дабдаласи чиққан Широқни улар қўлидан қутқариб, бир четга олиб чиқди-да, сув ичирди, сўнгра чодирига олиб кириб, уни яхшиликча йўлга солмоқчи бўлди. Энди Эрон саркардаси саклар устига юриш қилиб, уларни тор-мор этишни хаёлидан чиқариб ташлаган, у фақат қўшинини ҳалокатдан қутқариб қолишни ўйларди.

– Агар сен саҳро қудуқлари ва чашмаларини бизга кўрсатсанг, гуноҳингдан кечиб, Сўғдияда истаган қишлоқлардан бирини сенга инъом қилардик.

– Ўз элимнинг душманларига ёрдам учун чўзадиган қўлимни кесиб ташлаганим маъқул, – деди Широқ гапни қисқа қилиб.

Ҳалокат ёқасида қолган эронийлар аччиқларига чидаёлмай фидокор чўпонни чопиб, қийма-қийма қилиб ташладилар.

ҚОНУНИЙ ФАХР ТУЙҒУСИ

Ҳикоя

Хулио КОРТАСАР, аргентиналик адиб (1914–1984)

Орамизда ҳеч ким тўкилган япроқларни йиғиб оладиган фуқароларни мажбур этувчи қонуннинг аниқ таърифини эслолмайди, бироқ кафиллик берамизки, бунга итоат этишни ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмайди, бу, ахир, ҳали болалигимиздан ҳазм қилиб келаётган қадимий урф-одатларимиздан бири-ку, биз учун қуриб қовжираган барглари ҳар йили иккинчи ноябрь куни эрталаб 9.00 да бошланувчи йиғиштириб олиш кампаниясида иштирок этувчилар учун бу иш бошмоқ ипини боғлаш ёки соябонни очишдек деярли арзимаган иш.

Ушбу сананинг тўғрилигига баҳслашиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди – модомики, мамлакатимизда шундай бўлар экан, демак, бунинг ўз сабаблари бор. Дейлик, аввалги кунни биз қабристонда ўтказдик ва вафот этган қариндошларнинг мозорига борамиз ва қабр кўринмай кетган япроқларни супурамиз; лекин ўша куни тўкилган япроқ, айтиш жоиз, расмий аҳамият касб этмайди, таъбни тирриқ қилади, холос, тувакдаги гулнинг сувини алмаштириб, балчиқ билан ифлосланган қабр тошини тозалаш лозим бўлади. Баъзан шу тадбирни икки-уч кун илгарироқ ўтказсак, ёмон бўлмасди, шунда биринчи ноябрь қабристони ҳам озода бўларди ва одамлар қабр тепасида қийналмай, бемалол ўтирарди, шундай мотам кунида биз асосий ибодатдан чалғиб, қаёқдаги ишлар билан банд бўлиб юрмасдик, ўзимизнинг муқаддас бурчимизни унутмасдик, дейдиганлар топилиб қолади. Лекин биз бу бўҳтонни доим рад қилиб келганмиз, ҳатто бизга қанчалик қимматга тушмасин, шимолга, сельвага бориш ҳаёлини йўққа чиқармасдик. Биз-нинг ватанимизда ҳукм сурган анъана шунақа, улар йўқ ердан пайдо бўлмаган ва қолаверса, боболаримиз бошбошдоқликка йўл қўймасдилар.

Аҳолининг ҳаммаси бар-гларни йиғиб-териш ишига ўз ҳиссасини қўшиш учун сафарбар қилинади. Бизнинг қабристондан қайтиб келишимиз арафасида муниципалитет майдони ўртасида оқ бўёқ билан бўялган дўконча ўрнатади, биз эса унинг олдига бориб навбатда турамиз ва сабр-тоқат билан кутамиз. Модомики, навбатнинг кети тугамас экан, кўпчилик уйига анча кеч қайтади, аммо ҳар бир кимса муниципалитет амалдорининг қўлидан паттасини олар экан, ўзини бахтиёр сезади. Мана шу катак дафтарга чизилган қоғоз бўйича эртасига эрталабдан бизнинг меҳнат вахтасида иштирок этганимиз кўриниб тураради: қачонки биз қабул пунктида қуруқшаган барглари ёки мангусталар жойлашган қафасларни топширар эканмиз, махсус машина қоғозга тешикча уриб қўяди. Ҳаммадан кўра болалар хурсанд бўлишади, ахир, уларга жудаям катта қутилар (уни завқланиб оналарига кўрсатадилар) топширишади ва энг енгил ишларга қўйишади, асосан мангусталарга қараб туриш топширилади. Биз катталарга қийинроқ бўлади, чунки биз барглари тўплаётган мангусталарга фақатгина буйруқ бермаймиз, балки қуриган япроқлар билан бўз қопларни тўлдирамиз, кейин уларни елкамизда орқалаб муниципалитет бизга ажратган машиналарга ортамиз. Қарияларга қуруқ барглари илон сиркаси пуркаш учун ҳавоси қисилган тўппончаларни ишониб топширадилар. Аммо ҳаммасидан кўра масъулиятли вазифа катта ёшдагиларнинг зиммасига тушади, чунки мангусталар кўпинча чалғиб улардан кутилган натижаларни оқламайдилар; ҳамонки шундай экан, карточкада белгиланган икки кун ўтгач, биз ортиқча ишламаётганимиз етарли эмас ва бизнинг шимолга, сельвага бориш имкониятимиз ошади. Кутиш жоиз бўлганидек, биз ҳар не бўлганда ҳам, бунга йўл қўймасликка ҳаракат қиламиз, гарчи мабодо иш бориб етса, ўша заҳоти шимолга сафарбар бўламиз – бу аслида кампаниядан кўра одатий ҳол эканига иқрор бўламиз; нима қилайликки, ҳатто адашиб ҳам келмайди хаёлимизга норозилик билдириш; лекин одамгарчилик юзасидан тушуниш мумкин, биз жонимизни жабборга бериб мангусталарни ишлашга мажбур қиламиз. Биз карточкаларда иложи борича юқори баҳо олишни ҳоҳлаймиз, бунинг учун эса имкони борича мангусталарга, чоллар ва болаларга шафқатсизроқ бўламиз, ишни муваффақиятли олиб боришда уларнинг иштироки зарурдир.

Қачонлардир биз илон эссенциясини қуруқ барглларга пуркаш ғояси қай йўсин пайдо бўлган экан, деган фикрга келгандик ва бир неча таклифларни дангасалик билан шундай хулосага келгандик, айниқса, фойдали ва оқила анъаналарни дунёга келиши одатда асрлар қаъридан бошланади. Ажойиб кунларнинг бирида маъмурий ҳокимият зоҳиран, кузда япроқларни тўплаш учун одам етишмаслигини пайқаб қолди ва мангусталардан унумли фойдаланиш орқали камоматни йўқотди. Балки сельваси бор чегарадаги шаҳарчада аллақандай амалдор одатда қуруқ барглларга мутлақо бефарқ мангусталар агар улардан илонларнинг ҳиди келса, уларга телбаларча ташланишини сезиб қолди, одамларимиз буни дарҳол кашф қилмади, мангусталарнинг реакциясини ўрганиб чиқилганда маълум бўлдики, агар қуруқ барглларга илон ёғи пуркаб чиқилса, мангусталар қасоскорона уларга ташланиб бир ерга тўплай бошлайдилар. Биз шунақа пайтда ўсиб-улғайдикки, ҳозир ҳаётнинг ҳамма воқеалари учун йўриқнома бор, энди мангусталарни боқиб катта қиладиган ҳайвон ўргатувчилар сельвага ҳар йили уюштириладиган ёзги саёҳатлар етарли даражада илонларни етказиб беради. Буларнинг барчаси бизга шунчалик табиий туюладики, биз баъзида ўз устимизда зўр бериб ишлаб, ўзимизга ўзимиз болалигимиздаёқ миямизга ўрнашиб қолган саволни берамиз, чунки ота-онамиз қандай қилиб бундай саволларга болаларимиз учун жавоб беришимиз кераклигига қизиқишган. Ажабо, савол бериш ҳоҳиши яна-тағин камдан-кам ҳолларда – ёлғиз ёки унгача, ёки йиғим-терим кампаниясигача намоён бўлади. Иккинчи ноябрда, биз энди-энди карточкани олиб ишга киришишимиз лозим пайтда, барча ҳаракатларимиз бизга тамомила оқланган бўлиб туюлади, фақатгина ҳосилни йиғиб олиш кампанияси ва уни ўтказиш услуби мақсадга мувофиқлигини шубҳа остига қўйиш мумкин. Дарвоқе, ҳукумат буни олдиндан кўриб турган, қолаверса, орқа бетда ёзилгани бўйича қонун матнида бунақа айблар учун қанақа жазо қўлланиши мумкинлиги санаб ўтилган. Лекин биз бу қонунни бирон марта кимгадир қўллашганини кўрмаганмиз.

Биз ҳукумат идораларининг олиб бораётган ишларини шу даражада тўғри йўлга қўйганига қойил қоламиз, бунақа кампания давлат ҳамда мамлакатнинг ҳаёт тарзига заррача ҳам зарар етказмайди. Катта ёшдаги кишилар ўзларининг маъмурият ёки савдо ишларида беш соатга фарқ қиладиган даражада барглларни йиғиш билан банд бўладилар. Болалар дарсда ўтиришмайди ва ҳарбий машғулотларга ва фуқаролар мудофаасида қатнашмайдилар, қариялар эса қуёш порлаб турганидан фойдаланиб ўзларининг кулбаларидан чиқиб, ўз жойларини эгаллайдилар. Иккинчи кундан кейин кампаниянинг биринчи навбатдаги вазифаси бажарилади: марказий кўча ва майдон қуруқ барглардан тозаланади. Биз эса, мангусталарга масъулият билан қаровчилар, жуда ҳушёр бўлишимиз керак, чунки мангусталарнинг талпинишлари секин-аста кучсизланиб боради ва бизнинг чекимизга масъулиятли вазифа юкланади – бизнинг туманимиз идорасининг ходимидан пуркаш ишларини тобора кучайтириш лозимлигини қонунан асослаб бериш керак бўлади. Инспектор бунақа буйруқни биз мангусталарга нисбатан барча имкониятларни батамом бажариб бўлсаккина беради; агар бизнинг беғам, ишёқмаслигимиз исбот қилинса, биз дарҳол сельвага жўнашга мажбур бўламиз. Гарчи "таваккал қилсак" ҳам давлатимиз ва дарвоқе, кампаниянинг ҳам ўз бурчини бажариш ҳеч кимнинг хаёлига келмайди.

Баъзан қарияларга тўппончадан пуркашни ишониб топшириш нотўғри, деган норозилик янграб қолади. Бироқ бу масалада хато бўлиши мумкин эмас, чунки бу одат жуда қадимий; лекин гоҳида қариялар чалғийди ва бир дунё эссенцияни бир парчагина кўчага ёки майдонга сарф қилиб, иложи борича майдонга сепиш кераклигини эсдан чиқаришади. Бундай вазиятда мангусталар очкўзлик қилиб бир парча қуруқ япроқларга ташланишади, саноқли дақиқалар ичида уларни йиғиб оладилар ва бизнинг очиқ қопларимизга олиб борадилар, аммо буни осонгина ҳал қилсак, яъни улар бундан буён зўр бериб меҳнат қиладилар, деб ишонсак, улар ҳайвонлар каби қотиб қоладилар, бир-бирларини тажжубланиб ҳидлаб кўрадилар ва рўйи-рост чарчаганларини намойиш этиб ва ҳатто норозиликларини кўрсатган ҳолда ишларини тўхтатадилар. Шунда ўргатувчи ҳуштагига ёпишади ва маълум вақтга қадар мангусталарни тартибга чақиради. Лекин тез орада биз заминга бир текис дори сепилгани ва мангусталар топширилган вазифаларини тўла-тўкис бажармасликларини ҳамда улар учун бирдан бу ҳар қандай ишнинг маъносини йўқотишларини тушуниб қоламиз. Ахир, илон эссенцияси етарлича, ҳеч қанақа асабийлашув содир бўлмайди, кексалар ҳам, биз ҳам, давлат нозири ҳам ўзини ўйлайди ва бундан жудаям азоб чекади; бироқ анчадан кейин эссенцияни бизга тақа-тақ етказиб туришади, бунинг устига, экспедиция сельвадан бўш қўл билан қайтиб келади, хуллас, давлат ўзиникини ишлатишига тўғри келади ва шундоқ ҳам камлик қилаётган заҳира ишлатилади, хуллас, навбатдаги кампанияни рисоладигидек ўтказиш учун ҳаракат қиладилар. Агар шу амалга ошса, биз янада кўпроқ сельвада ишга чақириш учун эълон қилишмасайди, деб безиллаймиз. Гарчи "безиллаш" – бу, албатта, алоҳида айтилган, чунки кенг маънодаги чақириқ сельвада ишлаш учун давлатимиз анъаналарига кираги, дарвоқе, кампаниянинг ўзи ҳам бурчимиз ҳисобланади ва ҳеч ким ўзича бунга қарши бормайди. Сельвага сафарбарлик ҳақида биз кам гапирамиз, у ердан қайтгач, ўша ердаги сирларни овоза қилмаслик ҳақида ёзма баёнот беришади, бу ҳақда биз ҳеч нарса билмаймиз. Янглишмасак, давлат идоралари шу тариқа бизни ташвишлардан сақламоқчи бўляпти, лекин бахтга қарши, бизнинг йўқотишимиз ҳаддан зиёд кўзга ташланади. Гарчи биз бундан ҳеч қанақа хулоса чиқармасак ҳам, сельвага алоқадор қариндошлар ва таниш-билишларнинг ҳалокати илонларни излаш ҳар йили қўшни мамлакатлар аҳолисининг шафқатсиз қаршилигига дуч келади ва бизнинг ҳамюртларимиз гоҳо жиддий талофатлар ҳисобига – шафқатсизлиги ва айёрлиги афсонага айланган душманга зарба беришга тўғри келади. Биз бу ҳақда очиқ гапирмаймиз, бироқ ҳаммани ажаблантирган нарса қуруқ барглар йиғмайдиган миллат бизни унинг ҳудудида ов қилишга йўл қўймайди. Бизнинг ҳукумат ўз-ўзидан, шубҳасиз, сельвага сафарбарликда илон овлашдан ўзга мақсад йўқ, деб кафил бўлади, рақиблар эса ўзларининг бегона ғурурларига берилиб хурсанд юришибди, ҳолбуки, бунга оқлов йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Ҳукуматимизнинг бағрикенглиги чегара билмайди. У буни ҳатто жамиятнинг тинчлигига путур етганда ҳам намоён қилади. Шунинг учун биз яраланган қаҳрамонларимиз ҳақида ҳеч нарса билмаймиз (асосийси, билишни ҳам ҳоҳламаймиз). Бизни кераксиз ҳаяжондан сақлаш учун ҳукумат ким тирик ва саломат экан ёки ўлган бўлса, рўйхат тузиб беради (кейингиларига тобути ҳарбий поездда, экспедициянинг тирик қолган иштирокчилари ҳамда илонлар кираги бунга). Икки кундан кейин раҳбарият ва аҳоли ўлганларни кўмгани қабристонга боради. Ҳукумат марҳумларни қардошлик қабристонига кўмишни бўлмаёр иш деб хисоблайди, улар ҳар бир марҳумнинг ўз қабри бўлиши керак – улар шуни ҳоҳлайдилар, бошқаларникидан нимаси биландир фарқ қилиши ва тошталта бўлиши шарт, бу осонгина ажратиб оладиган тошларга қариндошлари кўнгиллари тусаган ёзувни қайд этишлари мумкин; модомики, кейинги йиллар ичида мақтуллар сони ошиб бораётган экан, ҳукумат шуни инобатга олиб теварак-атрофни ўз тасарруфига олди ва шунинг ҳисобига қабристонни кенгайтирди. Ана энди тасаввур қилишингиз мумкин, биринчи ноябрь куни қанча одам эрталабдан барвақт ўз яқинларининг қабрини зиёрат қилишини. Бахтга қарши, бу воқеа кеч кузда содир бўлади, қуруқ хазондан ҳосил қилинган гилам ва қабр шунчалик қалинки, биз мутлақо адашиб кетамиз ва керакли қабрни излаб соатлаб қабристонни айланиб қолишимиз мумкин. Деярли ҳамма ўзи билан супурги келтирган ва кўпинча супуриб бўлгач, бегона қабрни тозалаганингни билиб қоласан. Лекин секин-аста ҳар бир киши ўзиникини топиб олади, пешинга яқин дам олишинг, фикр юритишинг мумкин. Қабрни излаб топиш шунчалик қийинчилик туғдирадики, биз ҳатто бундан маълум даражада хурсанд бўламиз, чунки бу сафарбарлик келгусида фойдали эканидан дарак беради; бизнинг азиз марҳумларимиз, ҳали, тўғриси, мангусталар иштирок этмаётган пайтда қуриган япроқларни йиғиб олишга илҳомлантиради, бунга улар бошлиқлар экспедициядан келтирилган тобутлар илонлар эссенциясини янги қисмларга ажратиб берганида, қариялар гўё мангусталарни ғайрат билан ишлашга мажбур қилиб, тўкилган барглларга пуркайдилар.

Русчадан Олим ОТАХОН таржимаси

ИНГЕБОРГ

Ҳикоя



Ханс Христиан БРАННЕР, даниялик ёзувчи (1903–1966)

Ҳали эндигина йигирма учинчи декабрь бўлишига қарамай, кўчадан уйга кирган Рут юмалоқ емак столидаги ёниб турган шам, ўзининг тақсимчаси ёнида рангли қаламлар қутиси ҳамда бўяш учун расмли альбом турганини кўрди.

– Ойи! – қичқирди Рут қувончдан ирғишларкан. – Ойи, ойижон, ойи!

Альбомда ингичка қора чизиқ билан чизилган кўпдан-кўп расмлар бор эди. Рут ўтириб варақлай кетди. Узунқулоқ қуёнчани кўраркан, танаси жигарранг, оппоққина калта думи, оқ панжалари, тим қора кўзлари бўлади, деб ўйлади. Манави қўғирчоқни кўринг! Худди Ингеборгники каби бу қўғирчоқнинг ҳам сочлари малла, икки юзи ним пушти бўлади. Кўзлари бўтакўздек, эгнидаги кўйлагини эса қизил рангга бўяймиз.

– Овқатингни е, – деди онаси.

– Ойи, – деди Рут, – Арафага яна неча соат қолди?

– Бирозгина, – жавоб берди онаси, – овқатланиб дарров ухласанг, вақт ҳам тезроқ ўтади.

Рутнинг томоғидан овқат ўтмас, ухлаш ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлар. Арафагача ҳали жуда-жуда кўп кутиш керак.

– О-йи, о-йи-жон, – чўзиб-чўзиб айтди у ва сал қолса йиғлаб юборай деди. Ҳар ҳолда Рут эртароқ тўшакка киришга рози бўлди. Қоронғи хонада ётволиб хаёл суриш мароқли. Қоронғида ўйлаш яхши.

– Ойижон, – деди у онаси каравоти тепасида эгилган маҳал, – эртага Ратуша майдонидаги катта арчани кўргани борамизми?

– Агар улгарсак, борамиз, – деди онаси. – Кўйлакни тикиб бўлишим керак, Рождествогача тайёр бўлсин, дейишган.

– Кечаси тиксангиз бўлмайдими, ойижон?

– Албатта, бўлади.

– Эртага Арафа, – пичирлади қизалоқ.

Оёқларини ликиллатгиси келиб кетди, тиззаларини иягигача кўтаришга, қўллари билан қучиб олишга тўғри келди. Йўқ, бошқа чидаёлмайди. Кимдир билан гаплашмаса, ёрилиб кетар. У қоронғида каравоти ёнидаги стулда ётган Ингеборгни пайпаслаб топди, боши, бурни, фатила-фатила чиннивор сочларини силади, сўнг қўғирчоқни ёнига – партўшак остига солди.

– Қулоқ сол, эртага Арафа экан, – деди Рут ўзи билмай оёғини ликиллата бошларкан.

Ингеборг жим ётарди.

– Яна бирон нарса ҳақида гапириб бер, – деди қўғирчоқ овоз чиқармай.

– Яна нима тўғрида гапириб берсам экан, ютландиялик қариндошларимиз жўнатадиган катта жўнатма ҳақидами? Менимча, сенга нима жўнатишганини биламан. Лекин айтмайман. Ўтган йили сенга каравот совға қилишганди, бу йил эса бироз бошқача нарса, ҳечам тополмайсан! Бу-чи, овқатланиш учун керак бўлади. Йўқ, айтмайман. Ҳа, ўзинг ўйлаб кўр-чи.

У эшик тирқишидан тушиб турган сарғиш нурга термилиб жим ётаверди. Кўп ўтмай кўзига бошқа дераза пардалари ортидаги заиф, кўкимтир нур тушди. Рут батамом уйғонди, у тонг отганини, Арафа тонги отганини сезди. Юраги бирам ўйнаб кетдики.

– Ойи, – қичқирди у, – ойижон!

Онаси кириб пардаларни кўтариб қўйди. Ёмғир ёғар, ойна кўзларида ҳеч қандай ях нақшлари кўринмасди. Рут ўрнида ўтираркан, бугун Арафа эканига сира ишонолмади – теварак-атроф жуда осуда эди.

Онасининг юзи худди кўчадаги ёмғир каби бўзариб кетган. Рут бориб унинг бўйнидан қучди.

– Ойижон!

– Тегишма, Рут, ҳали кўйлакни тамомлашим керак. Ана, альбомингни бўя.

– Йўқ, Рождествогача, ҳақиқий Рождество бошланмагунча бўяшни истамайман.

– Бўлмаса, бошқа бирор иш қил. Ана, ёмғир ҳам тинди, – деди онаси, – боракол, пешойнани томоша қилиб кел.

Рут устига пальтосини илиб, кўча муюлишидаги пешойнани кўргани кетди. Пешойнага зар-уқали момиқ ётқизилган, дўнгликларда миттивойлар чана учишар, уларнинг ортида эса деразалари ёруғ черков кўзга ташланарди. Аммо буларнинг бари кечагидек ёки ўтган кунларгидек эмасди. Ҳатто у орзу қилгани – қўғирчоқ ва улар учун кўйлакчалар қирқиб олиш мумкин бўлган картон қоғозлар ҳам аввалгидек эмас, бошқача эди. Улар қандайдир кўримсиз, хунук туюлди.

Қизалоқни қўрқув босди, Конгенсгаде бўйлаб кетаверди. Рут шу кўчанинг қаеридадир катта ўйинчоқ пештахтаси борлигини билар, аммо у анча узоқда бўлса керак. Бирдан ўша пештахта қаршисида пайдо бўлиб қолди. Рут ўша қотганича анчагача турди. Олам ўйинчоқларга тўла эканини у ҳатто хаёлига ҳам келтирмаганди, буларнинг ҳар бири 100 крона турса кераг-ов. Аравачага солинган қўғирчоқни кўрди – худди ҳақиқий болани ростакам аравачага солиб қўйган дейсиз. Уйига кетгиси келди, эндигина қайрилиб югураман деганди, аллакимдир дўкондан чиқа сола уни чақирди. Аннелисе ва унинг онаси фру Сейделин экан. Рут уларни яхши танийди. Онаси уларга қўйлак тикиб берар, шу сабаб она-бола уларникига келиб турарди.

– Рут! – қайта қичқирди Аннелисе, аммо Рут қарамай чопиб кетаверди. Фру Сейделин ҳам уни чақирганди, ортига қайтишга мажбур бўлди.

Аммо фру Сейделин шунчаки саломлашди, ўзи ва онасининг аҳволини, яна Арафа кирганидан хурсандми-йўқми, шуларни сўради, холос. Рут бош эгиб таъзим қилди-да, албатта, хурсандлигини айтди. У фру Сейделинга бир қур қаролмади ҳам, кўкимтир мўйна-пўстин кийволганига бўзранг шипилдоқ оққушни эсга соладиган аёл эса унинг шундоққина рўпарасида турарди. Бўйни ҳам, боши ҳам, худди сенга тепадан назар ташлаб турган оққушникидек каби. Унинг ёнида эса оч ҳаворанг қалпоқча ва оқ мўйнали ёқаси, этаги ва енгига ҳошия урилган пўстинча кийволган Аннелисе турарди.

– Кўришгунча, – деди Рут таъзим қилиб.

– Шошмай тур, – уни тўхтатди фру Сейделин. – Мен бир нима олишим керак эди. Аннелисе иккингиз шу ерда бўлиб туринг.

Рут яна пештахта қаршисида туришга мажбур бўлди, бу сафар Аннелисе билан бирга. У шу оқ ва ҳаворанглар-нинг барисига, яна кўргазмага қўйилган ўйинчоқларга ҳам тик қарашга ботинолмай қолди. Худди ичи бўшаб қолгандай тили ҳам калимага келмас, оёқлари эса бу ердан қочиб қолишга, уйга томон югуришга тайёр эдилар...

Фру Сейделин дўкондан чиқиб келди, қўлидаги елим халтада махсус рождество қоғозига ўралган катта қути бор эди.

– Бу кимга? – сўради Аннелисе. – Яна менгами?

– Йўқ, – деди фру Сейделин. – Буни Рутга берамиз.

– Ойижон, бу ҳалигимасми... ўзингиз нимани хоҳлашимни биласиз-ку?

– Эҳтимол, – деди фру Сейделин. – Сени ҳамма нарсанг бор, бунисини Рутга совға қилишимиз керакми дейман. Қани, Рут, ол буни. Фақат оқшомгача очмагин, бўптими?

Фру Сейделин устидаги кўкимтир пўстинида жуда йирик кўринарди. У бўйнини эгиб аллақанча юқоридан худди оққушдек (агар оққуш табассум қилолса) жилмайди...

Рут раҳмат айтмоқчи эди, аммо бўғзидан аллақандай ноаниқ товуш чиқди. Қизча йўталиб олди.

– Катта раҳмат, – деди ниҳоят ва таъзим қилди. Аммо бу камлик қилар, ортидан яна нимадир дейиши керак эди. Қизалоқ қўлидаги катта қутини тутиб тураркан, совғани олмаса, уларни умуман учратмаса яхши эди, деб хаёлидан ўтказди. – Кўришгунча, катта раҳмат, – қайта такрорлади ва яна таъзим қилди. Уйга, қўлидаги қути билан уйга чопиши керак...

Бироқ Аннелисе ва фру Сейделиннинг йўли Рут билан бирга эди – улар Бредгадда туришади. Бир муддат улар билан бирга кетишга тўғри келди. Рут қўлидаги қути билан бораверди.

– Ичида нима борлигини биламан, – деди Аннелисе. – Уни менга беришлари керак эди. Энди буни фарқи йўқ, майли, сеники бўлақолсин.

Шундай деб онасига қараганди, фру Сейделин бўйнини эгиб, аллақанча юқоридан унга жилмайди.

– Ойижон, – деди Аннелисе, – Рут бизникига бориб овқатланса майлими?

– Арафа куни-я! – деди фру Сейделин. – Ойисига бу ёқмаса керак.

– Эртага-чи?

– Эрта уйимизга кўп меҳмон келади. Рут бошқа бирор кун келса, майли. Дам олишдан қайтайлик, ўйлашиб кўрамиз...

Рут қўлидаги қутини тутиб боракан, Аннелисеникига бормаслигига, бир даҳшатдан қутулганига шодланди. Ниҳоят, чорраҳага етиб ҳамма тўхтади, бу ерда улар икки томонга жўнаши керак эди.

– Хайр, Рут, ойингга салом айт.

№ 01 (314) 2020 йил 15 январь
Kitob dunyosi

20 аср поляк шеъриятининг эрта сўнган юлдузи Ҳалина ПОСВЯТОВСКА бор-йўғи 32 йил умр кўрди (1935–1967). Шу қисқа умрининг тенг ярми оғир юрак хасталиги билан курашишга сарфланган бўлса-да, шоиранинг шеърларида камёб бир ҳаётсеварлик балқиб туради. Таниқли поляк шоири Тадеуш Новак фикрича, Ҳалина Посвятовска шеърияти қўшиқлар қўшиғидир.

Шоирани "Польяк шеъриятининг Шарль Бодлери, Поль Верлени" деб атаган замондошлари эса уни Редьярд Киплингнинг Мауглисига қиёслашган. Озодлик фарзанди Маугли борликдаги ҳар бир хилқатга: "Биз сен билан қондошмиз!" дея хитоб қилгани каби Ҳалина Посвятовска ҳам гўзал шеърларида гулу майсаларга, қушларга, қуёшнинг заррин толаларига, жонзотларга – борингки, нигоҳи тушган ҳар бир нарсага салом йўллайди, меҳр изҳор этади. Шоиранинг ўлим ва ўлимдан кейинги ҳаёт хусусидаги шеърларидан ҳам инжа бир ёруғлик таралиб туриши одамни ҳайратга солади.

(*Таржимондан*)

ЯНА БИР ХОТИРА

Тингла яна бир хотирани –
Бир сўз ёздим дақиқа аввал,
Улғайдим бир сўзга
Икки сўзга
Уч сўзга
Шеърга
Улғайдим. Улғайиш нима дегани –
Ўтмиш деган мавҳумот ичра
Парча ер бор – менга аталган.
Ўсмоғим шарт
Ўша жойгача
Иқтисод исмли мавҳумликда
Яшашга мажбурман
Вақт деган мавҳумотни.
Кезаман
Гангийман
Кезавераман
Метрополитен музейин.
Миср ҳайкаллари бўлимида
Аёл дудоғи-ла жилмаяр бир тош.

КАСАЛХОНА ДЕРАЗАСИДАН

Бу ердан кўринган манзара
Қалбим қудуғини
Қоплаган музга.
Пичоқ билан тилиб ёзилган
Шифти унинг – дахлсиз кўзгу.
Қўлим –
Ўнта бемажол бармоқ
Ҳеч кимга кераги бўлмаган
Сўқирларга ташлаб кетилган.
Булутлардан учган каптарлар
Тутиб олиб
Оч тумшуғи-ла оппоқ
Руҳсиз бармоқларни
Яна қанот қоқадилар
Юксаклик сари.

ВАҚТ КЕЛАР

Вақт келар
Қийналиб соғинчдан,
Одамлар қаршисида
Пайдо бўлгум ўша чеҳрада.
Ўша қадамлар-ла юраман илдам,
Кулиб узатаман уларга.
Ўша қўлларимни,
Лек панд берар менга.
Тузилиши қоғозга ўхшаган
Баданим шаффофлиги
Ожизона боқишларим.
Ва қор устида
Ҳеч бир изи қолмагани қадамларимнинг
Туйқус англаб етадилар
Тисарилиб ортга қўрқувдан
Мени ташлаб кетадилар
Улкан, оппоқ, уфқсиз маконда.

ҚЎЛЛАРИНГ ЁШИ

Неча ёшга тўлди қўлларинг,
Шу сершох дарахтлар
Улар баҳор гўё –
Сочларимга тегишар фақат.
Ёриб ўтар куз мўртлигини
Бадани қизиган
Тулпорлар ҳиди,
Тупроқ шивири,
Қуруқшаган бармоқлар аро
Савршамол тушар ўйинга.
Яшил бўйним
Сиқилар бундан,
Чуқурроқ туш – то зўр истаклар,
Вужудимнинг илиқлиги-ла,
Қўлларингга кўчмагунича.

ЎТАЁТГАН КЕМАЛАР

Кема кетиб бўлди.
Қолди фақат уфққа томон
Узатилган оппоқ қўлларинг,
(Салом, салом!)
Қачонлардир кема изидан
Бир қуш бўлиб отилгум ўқдай,
Сўнг чўққини этганча ишғол
Обдон ўйлаб олгум барини.
Ҳузурингга эмас,
Чўққига қайтгум.
Ва ёрита бошлар
Оқ сўнгакларим
Ўтаётган кемалар йўлин.

ҚОРА БИР ИШҚ ИСТАЙМАН ЯНА

Қора бир ишқ истайман яна,
Ўлдиргувчи бир ишқ –
Маҳкум шундай дуо қилар ўлим ҳаққига.
Эй, меҳрибон ўлим,
Кел сахий бўл август тунидай,
Илиқлаш ва енгилгина қучиб ол мени.
Унинг чин исмини билган кунимдан
Юрагимни ҳозирлаб қўйдим
Пораловчи сўнгги
Зарбага.

СЕН – ДЕНГИЗ

Сен – денгизсан
Касофати яшил денгизнинг
Мен эса чиғаноқ
Етилган ананас таъмли
Зилдай бошим
Сочлар чангагига тутилган
Ўламан
Қирғоққа отилиб
Шунда ҳам асрай олгум
Олис қадамларинг
Сасини

КЎЗЛАРИМ ЭНДИ КЎЗЛАР ЭМАС

Кўзларим – энди кўзлар эмас,
Балки майдалаб,
Осмонга сочилган юлдузлар.
Терим – энди тери эмас,
Ерга майин тўшалганича,
Дераза ортида ёғаётган қор.
Менинг муҳаббатим илдиздан
Ўсган.
Менинг муҳаббатим ичкин
Ва қуюқ.
Бўғиқ сас таратар Ернинг дарзлари.

СЕВАМАН СОҒИНИШНИ

Севаман соғинишни,
Ранг ва товуш тўсиғида югуришни.
Қимтилган лаблардан
Аёз бўйларин туймакни.
Севаман ёлғизлигимни –
Бошни гангитувчи кўприкдан,
Юксакрокда осилганича,
Кўкни қаттиқ қучиб турар у.

МЕН – ЖУЛЬЕТТА

Мен – Жульетта
Ёшим йигирма учда.
Қачондир севгини татиб кўргандим,
Аччиқ эди у
Бир финжон қора қаҳвадай.
У тезлатди
Юрагим зарбин.
Қаттиқ ҳазиллашиб вужудим билан
Уйғотди ҳисларим.
Ва кетди
Баланд айвонимда
Таъзим қилганча
Чорлагайман уни: "Қайт ортга!"
Қичқираман: "Қайтар
Оловни!"
У ўпган лабимга
Қайтмади ол ранг.
Мен – Жульетта
Ёшим мингдардан ошган
Ҳануз тирикман...

МЕНИНГ ҚУШНИМ – ФАРИШТА

Менинг қушним – фаришта,
Соқчиси башарий тушларнинг.
Шу боис жуда кеч қайтар уйига
Тинглайман зинадан келётган
Оҳиста қадамлар товушин
Ва шитирин.
Йиғилган қанотларнинг
Субҳ чоғи менинг ланг очиқ,
Эшигимда бўларкан пайдо,
Сўз қотади:
Яна деразанг
Жуда узоқ ёритди
Тунни.

АЙРИЛИҚ БИР ҚУШДИР

Айрилиқ бир қушдир,
У ёйди патларин,
Мендан сенгача.
Бу патлар аслида
Сенсиз кечган
Қоп-қора
Кунлар.
Тўкилган патлар
Титраб турар тунги
Осмонда.
Келганингда эса
Қуёшга ошиқар тилла ранглари
Ва қуш ўлади.

Рус тилидан
Гулноз МЎМИНОВА таржимаси

МУҲАББАТ ҚУШЛАРИ

Хикоя

Буни бир рус аёлнинг қайсидир кўрсатувга берган суҳбатидан эшитгандим: "Ёлғизлик нима, биласанми? Бу телефонингдан фақат уйғотгич садосинигина эшитишингдир. Тушун, бу жуда оғир".

Мен ҳам ёлғизликни телефондан сўнг англадим. У фақат тақвим эслатгичлари, уйғотгич ва вақт кўрсаткичлари ишга тушгандагина сасланадиган бўлди. Асосий вазифасини ҳам унутдим баъзан. Сўнгра телефонни соат деб атай бошладим".Соатимни кўрмадингизми?" "Телефонимни демоқчи эдим, узр", деб изоҳлаб қўяман билагимдаги соатга тикилган саволомуз нигоҳларга қараб. Худди телефондан бошимни кўтарганда бошқалар қиёфамдаги сарғайган ёлғизликни сезиб қоладигандек туюлаверарди.

Бир марта кимгадир "Менда сурункали ёлғизлик хасталиги бор", демоқчи ҳам бўлдим. Сиз менга овора бўлиб вақтингизни қўкка совурманг. На мен ёлғизлигимдан ажралоламан, на ёлғизлигим мени кўзи қийиб ташлаб кетолади. Мен ва ёлғизлик. Ҳатто телефон ҳам бизни айиролмади. У киши... Фақат у киши кўзойнагимни яхши кўрарди. "Тўрткўз" дерди кайфияти чоғ пайти. Мен ҳам кайфиятим жойида маҳал унинг бу ҳазилига жилмайиб жавоб қайтарардим. Зеро, иккимиз ҳам билардикки, бундай ҳазил кишига оғир ботиши мумкин. Аммо оғирлик фақат ҳазилда эмасди. Ранжитса ҳам, вужудимни деворларга уриб парчаласа ҳам ёнимда биронтасининг бўлишини истардим.

Билмайсан, бу кишининг юзида нур бор эди. Ҳар ҳолда, мени кулдиришни эплай оларди у. Аёлларга ўзларини кулдиролган эркаклар хуш ёқади. Балки у буни билар. Ёлғизлигим ўша киши билан кечган энг бахтли онларимда ҳам менга вафо қилиб ёнимда, жонимнинг маҳзанида собит турарди. Мени ташлаб кетмасди.

Унга энг ёмон одатларимни ўзим очиб ташлаганимни, усиз кечган кунларим атай кўзойнак тақмаганимни ва ўзим билан овоз чиқариб гаплашганларимни эслайман. Юзидаги мавҳум ифода ҳеч ўзгармасди, бироз кулимсираб қараб турар ва охирида ҳандон отиб кулиб юборарди.

Унинг ҳар бир тарафини, ҳар бир қутби ва нуқтасини севардим. Телбалик қадар. Аммо бахтли кунларнинг йўллари қисқа бўларкан. Ғалати одам эди у. Ҳеч нарсага парво қилмас, асаббузарлик қилиб ўтирмасди.

Адашдим. Биз икковимиз ғалати эдик аслида. Чунки иккимиз ҳам мушукларни, итлар ва муҳаббат қушларини яхши кўрардик. У тўтиларини "Муҳаббат қушлари" деб атарди.

– Янги бир қуш олганингда унинг ёнига яна битта қафас ҳам қўшиб олишинг керак. Чунки уйингдаги бошқа қуш уни чиқиштирмаслиги, ранжитиши мумкин. Қушлар ҳам одамларга ўхшайди, ҳамма турдошларигаям кўнгли исиб кетавермайди. Уйда ёлғиз нар қушим бор эди. Жуфти бўлсин, деб нариги қушни олаётгандим. Бироқ бу нар қушга маъқул келармикан? Хавотирланардимки, бегонасираб ўлдириб қўйса-чи? Шу важдан яна бир қафас олдим. Уйга келтирдим. Қушлар худди шу лаҳзани тухумдан чиққанидан бери кутаётгандек бир-бирларига талпина бошлашди. Қафас эшикларини очганим заҳот икки қуш бир-бирларининг пинжига кирдилар. Эҳтимол, севги дегани шудир.

У тўтилари ҳақида кўп гапирар, гоҳида латифалар ҳам айтиб қўярди. Аммо биларди-мки, у дардини шу йўл билан фош қиларди. Ифода эмас, айнан фош. Ҳаётининг энг оғриқли нуқтаси эди ўша тўтилар.

– Ишонасанми, улар мени тушунишарди.

Ишонардим.

Иккимиздан фақат мен йиғлоқи эдим, аммо у тўтиқушларидан гап очгани он иккимизнинг ҳам кўзларимизда илиқ денгизлар тириларди.

– Уларнинг ўлимига мен сабабчиман.

Қушлар ҳақидаги бу ҳикояси чиндан қайғули эди.

– Уларни уловда қолдириб тамаки олгани дўконга киргандим. Кўча одам билан тўла, жазирама. Мен қайдан билибман... Орқа ўриндиқдан сас-садо чиқмасди... Ҳолбуки, тўтиларим мени кўрганида овоз беришарди. Ҳеч бундай жим ўтиришмасди... Орқа ўриндиққа ўгирилиб қарадиму...

Иссиқдан дами қайтиб ўлиб қолганди тўтиларим. Пардани ёпишни унутибман.

Фақат ўзини айблар, бу воқеанинг бутун оғирлигини кенг елкаларига олишга интилар, аммо кўтаришга мажоли қолмаганди.

Ўша пайтлар ота уйидан бош олиб чиқиб кетган, ўзи билан фақат тўтиларини – муҳаббат қушларини олган экан.

– Улар мени тушунишарди... – деб қўярди сўз орасида.

Балки мен уни ўша қушлардек тушунолмадим. Ким билсин, балки мен ҳам жазирамадан димиққандирман. Мен ҳам ўлгандирман эҳтимол. Ундан, ўзимдан, ёлғизлигимдан бехабар...

Балки шу сабаб ўзини гуноҳкор санарди у. Шунинг учун қайтмади. Орқа ўриндиққа ўгирилиб яна бутун умр виждон азобида ёниб ўтмаслик учун.

Телефоним эса жим.

Гунел НОТИҚ,
Озарбойжон

Озар тилидан
Мирзоҳид МУЗАФФАР таржимаси

Рождество қутлуғ бўлсин... Кетдик, Аннелисе.

Аннелисе онасининг ортидан эргашмади. Ҳаворанг қўлқоплар бир муддат Рутнинг қўлидан тутиб турдилар.

– Хайр, хайр, хайр! – қийқирди Аннелисе Рутнинг атрофида сакраб айланаркан, унинг кўзлари ҳам ёниб ирғишларди. Тўсатдан Аннелисе кўчанинг ҳув нари ерида пайдо бўлиб қолди ва Рутнинг келиши кераклиги, бирга ўйнашлари ҳақида алланималар деб қичқирди. Рут унга жавоб ҳам бермай оёғини қўлига олиб чопиб кетди. Қутидаги нимадир тиқир-тиқир этиб борди. Эҳтимол, бу атиги бир пой пойабзалдир. Ўзларининг муюлишга етиб бориб-гина, бунинг нелигини Рут пайқади. Қизалоқ кўксидан итарилгандек ҳис қилди ўзини, нафас ростлаш учун тўхтади. "Йўқ, йўқ", – оғзидан ҳовур кўтарилди – қутида қўғирчоқ бор.

– Ойи, – деди у эшик очилмай туриб. – Ойи, буни қаранг! – Рут аллақачон хонага кирган, бир нафасда ҳаммасини – дўкон тўғрисида, Аннелисе, фру Сейделин ҳақида, уларникига меҳмонга бориши, овқатланиб ўйнаши кераклиги хусусида гапириб берди. – Рухсат берасизми, ойижон?

– Албатта, – унади онаси. У ҳали ҳам машинада ўлтирар, яркироқ ғилдирак эса тинмай айланарди.

– Ойи, топдим, ичида қўғирчоқ бор, топдим. Аннелисе қўғирчоқ олишни истаганди, аммо қўғирчоқни унгамас, менга совға қилишди. Топдим.

– Шундай де, – деди онаси игна остида югургилаб кетаётган ингичка чокдан кўз узмай.

– Ойи, эшитмаяпсизми?

– Эшитяпман, эшитяпман, қизим, фақат бироз чарчадим.

– Ойи, чарчашингиз мумкинмас, ҳечам мумкинмас!

– Мумкинмас? Албатта, йўқ, қизим, айтдим-кўйдим-да, ҳечам чарчаганим йўқ, – онанинг кўзлари киприк қоқмай чокни кузатди.

Рут ётоқхонасига кириб, ортидан эшикни ёпди, қути билан ёлғиз қолишни истаганди. Агар кескир қайчи олиб, кичкина тешик тешса-чи? Йўқ, қутига шикаст етказиб бўлмайди, уни устидаги қоғози, тизимчасини ҳам сақлаш, абадий сақлаш керак.

Тугуни унча маҳкаммас экан, эҳтимол... Ҳа, йўқ... Шунда тугун ўзидан ўзи эшилиб, қоғози ёнга сирғалиб тушди. Қопқоғи эса бармоқ тиқса бўлгудек очилди. Устига момиқ пахта тўшалган экан. Рут бармоғини момиқ остига тиққанди, қўғирчоқни, унинг сочларини туйди. Ингеборгники каби чиннига чизилган эмас, ҳақиқий сочлар эди бу. Энди қопқоқ тамоман очилиб, қўғирчоқнинг бор бўй-бастини кўрса бўларди. Рут деярли нафас олмай турди. Нафас олиш мумкин эмасди ҳам. У қимирлашини билмай, узоқ тикилиб қолди. Қўғирчоқ кўзларини юмиб ётар, аммо Рут қутини аваийлаб тиккасига қўйганди, қўғирчоқ мовийдан-мовий кўзларини астагина очди... Йўқ, жуда оширворди. Рут қўғирчоққа яна бир бор қарашга журъат қилолмай, қутини ётқизди – майли, қўғирчоқ ухлай қолсин. Қўғирчоқнинг устида ҳаворанг қўйлаги, ҳаворанг пайпоғи, бошмоғи бор эди. Унинг исми Аннелисе. Аннелисе Сейделин! Бошқа ном топишнинг ҳожати ҳам йўқ, аллақачон исми бор. Рут чинқириб юборишдан қўрқиб, қўғирчоққа қараёлмади. Дарҳол устига пуштиранг момиқни қўйиб, қути қопқоғини ёпди, қоғозни аввал қандай бўлса, ўшандай ўрашга ҳаракат қилди. Чилвирни ҳам аввалгидек бойлади. Энди қутини очганини биров билмайди.

Тушлик олди сал қолса онасига Аннелисе – Аннелисе Сейделин ҳақида гапириб юборарди, унинг исми тинмай тилида айланаётганди. Рут стулда тинч ўлтиролмай ўзича қиқирлар, онасининг доимгидек иш устида дунёбехабарлигидан куларди.

– Ойи, энди катта арчани томоша қилгани борамизми? – сўради Рут идиш-товоқ йиғиштирилгач, онасининг бошига шляпасини кияётганини кўриб.

– Аввал кўйлакни эгасига элтиб бер, қайтганимда борамиз.

– Сиз билан борсам майлими, ойижон?

– Йўқ, қизим, трамвайда кетаман, шошиляпман. Ўзинг ўтириб тур, бўптими...

Онаси зинапоялардан пастга тушаётгани, катта эшикнинг қарсиллаб ёпилгани эшитилди. Кўп ўтмай Рут кичик хонага ўтди, у ерда арча тагида қути ётарди...

Қути катта дўконни, Аннелисе ва фру Сейделинни ёдга солди. "Уни менга совға қилишмоқчи эди..". Албатта, қути Аннелисеникида, Аннелисе Сейделиннинг никида бўлиши керак эди. Энди Рут қутини қайта очиш ҳаёлидан қайтди, Ингеборгнинг олдига кетди.

– Ингеборг! – деди чиннивор қўғирчоқ бошини юзига босаркан.

Рут тўсатдан Ингеборгга ачинаётганини англаб қолди. Қўғирчоғи энди ўз каравотида ётмайди, бундан буён у Аннелисенинг – Аннелисе Сейделиннинг каравоти. Ингеборгни эса анави пуштиранг момиқли қутига ётқизса бўлар. Тўғри, илгари Ингеборгнинг ўз каравоти бўларди, энди Рутнинг Аннелисе билан ўйнаганини, кийинтириб ўринга ётқизганини томоша қилиб ўтиради, бечора. У барини кўради, ахир ухламайди-ку, кўзларини беркитолмайди ҳам. Ингеборг барини ўша очиқ кўзлари билан кўриб ўтиради.

Бу даҳшатнинг ўзгинаси, аммо Рутнинг қўлидан нима ҳам келарди. Қизалоқ Ингеборгни, унинг чиннивор гажакларини юзига босиб тебраниб ўтираверди. Бечоранинг худди одамларникидек, худди Аннелисеникига ўхшаган ростакам сочи ҳам йўқ. Аннелисени кўринг: у ҳақиқий Аннелисе Сейделиннинг ўзи. Ингеборг эса олдинги Ингеборг бўлмай қолганди...

Дафъатан Рут нима қилиш кераклигини фаҳмлаб қолди ва дарров шодланиб кетди. У ошхона жавони остига қараб, пойабзалдан бўшаган қути, тизимча, пуштиранг тамаки қоғозининг катта парчасини топди. Рут шу қадар шошилардики, Ингеборгга қарамади, эътибор бермади ҳам. Қоғоз ҳаддан ортиқлигидан ғижимланганди, Рут ортиқчасини тизимча остига тиқиб юборди. Кейин қўлига қалам олиб ёза бошлади... "Аннелисе" қандай ёзиларди-я, битта сўз биланми ё иккита? Яна "Сейделин" шарифи қандай ёзилишини ҳам билмаскан. Охири у "Янги йил қутлуғ бўлсин! Рут" деб ёзиб қўя қолди.

Қизалоқ устига пальтосини илди-да, зинапоядан пастга тушиб, кўчага учиб чиқди. Худди ўзимас, бошқа аллаким чопиб бораётгандек туюлаверди. Бир даҳшатга тушар, бир шодланар, маъюс тортиб, яна кўнгли ёришиб кетарди. Рут югуриб бораверакан, Ингеборгнинг қути ичида тақирлаётганини билиб қолди. Шунда бу ёғига қутини эҳтиётлаб ушлаб секин кетди.

– Ўзингнинг аравачанг бўлади, – деди у, – оппоқ мўйнадан ёпинчиғи бор ростакам аравачанг, яна ростакам стол-стуллари, каравотли, деворига расм осилган ростакам уйинг бўлади. Ҳамма-ҳамма нарсанг бўлади.

Қизча буларнинг барини оғиз очмай, худди Ингеборг каби овоз чиқармай айтди. Улар доим шундай гурунглашардилар...

Мана, Бредгадга ҳам келиб қолибди. Рут аввалига уйни тополмайман, деб қўрққанди. Уларникига атига бир марта келган – унда ҳам онаси келтирган. Ҳар ҳолда қизалоқ уйни бир кўришда таниди. Уйнинг улкан дарвозаси бўлиб, ёнида кичик эшиклар жойлашганди. Ойнаванд эшик олдида қўриғбон турар, зинапояга қалин қирмизи гилам тўшалиб, у пиллапояга тилла чивиқ билан маҳкамланган, зинадан катта серҳашам тавақали эшикка чиқиларди. Тилла тахтачада "Сейделин" деб ёзиб қўйилган. Рут бироз туриб қолди. Қути устига ўралган қоғоз яна очилиб кетганди. Рут аввал ўшани тизимча тагига тиқиб, кейин қўнғироқни босди. Устига фрак кийиб олган бир киши чиқди.

– Марҳамат қилиб шуни Аннелисега бериб қўйсангиз, – деди Рут аввалига таъзим қилиб.

Шом пайти Рут онаси иккиси Ратуша майдонидаги катта арчани томоша қилгани бордилар. Қизалоқ алламаҳалгача арчага тикилиб қолди: Аннелисенинг уйида ҳам худди мана шунга ўхшаган учи осмон тоқига теккудек, устига минг миллион чироқ осилган арчаси бўлса керак. Трамвайда ортга қайтишар экан, у миқ этмай шу ҳақда ўйлади.

Байрам ўтди. Аммо ростмана, у истагандек байрам эмасди бу. Ҳатто улар столга ўтириб уйдаги барча шамларни ёққанларида ҳам, қизалоқнинг пироги ичидан бодом мағизи чиққанда ҳам, арча чироқларини ёқиб она-бола қўшиқ куйлаганида, совғаларни галма-гал очганларида ҳам кўнгли ёришмади. Совғаси ичидан қўғирчоғу кўйлаклар қирқиб олинадиган картон қоғози чиқди. Ундан яна Ингеборг учун китоблар, устига қозонлари қўйилган ўйинчоқ плита, финжону тақсимчалар ясаш мумкин эди. Энди уларда Аннелисе – Аннелисе Сейделин овқатланади. Рут буларнинг барчасига эътиборсиз назар солди, Аннелисега қарагиси ҳам келмади.

Ўрнига кираркан, Рутнинг ўзи хона чироғини ўчириди, қоронғида онасини қучиб хайрли оқшом тилади. Рут жуда ҳам уйқуси келганини айтди, ўзи эса қоронғида ётиб ўйга чўмди. Ҳа, бугун Арафа куни, лекин аллақандай бошқача, бўлиши керак бўлганидек эмас. Каравотининг ёнидаги стулда Аннелисе Сейделин ётар, кўзларини юмиб ухларди.

Рут эрталаб уйғонган заҳоти бугун нимадир бўлишини туйди. Аммо черковларнинг баҳайбат қўнғироқлари чалиниб, онаси чиқиб кетмагунча ҳеч нарса бўлмади. Қизалоқ черковга боргиси келмаётганини айтди. Яхшиси, уйда қолиб ўйнайди. Аммо ўйнашни хаёлига ҳам келтирмай, стулга тиззалаб жойлашиб қўчани томоша қилди. Ҳеч нарсани ўйламади ҳам, шунчаки кун маъюс ва зерикарли эди, бироқ, албатта, бир нарса содир бўлишини у ҳис қилиб турарди. Эшик қўнғироғи жиринглаганда эса, худдики мана шуни кутганини ҳис қилди.

Эшикни очиб, Рут оч ҳаворанг қалпоқча, ёқаси ва енги оқ мўйнали оч ҳаворанг пўстинчага кўзи тушди. Мана шу оқ ва ҳаворанглар орасида Аннелисе Сейделиннинг юзини кўрди.

– Мана, ол! – деди Аннелисе унга алланимани узатаркан.

Рут миқ этмади. У тутқизилган нарсани қўлига олди, бу пуштиранг қоғозга ўроғлик қути эди.

– Буни олишимга рухсат беришмади, – давом этди Аннелисе. – Бундан ташқари, у менга ёққаниям йўқ. Бўлмағур қўғирчоқ экан! Фақат боши ҳақиқий, қолгани латта-путта. Ҳозир бунақа қўғирчоқни ҳеч ким ўйнамайди. Ундан кейин эски, битта қулоғи узилган ҳам. Ойимнинг айтишича, сенга қўғирчоқ совға қилдим дегани, менгаям қўғирчоқ беришинг керак дегани эмас.

Рут қўлидаги қути билан туриб қолди. Устидаги қоғознинг бир тарафи чиқиб қолганди, уни тизимча орасига солди. Ўша турганича қоғозни буклаб солаверди.

– Рождествога нима совға қилишди? – сўради Аннелисе. – Биласанми, мен нима олдим? – у шундай деб нималар олганини айтаверди, айтаверди, охири кўринмасди.

Кўчадан кимнингдир "Аннелисе!" деб чақиргани эшитилди.

– Кетяпман! – қичқирди Аннелисе. – Бу энагам, – тушунтирди қизча. – Мени пастда кутиб турибди. Хўп, кўришгунча. Уйга қайтганимизда ўтгин...

Аннелисе зинапояга йўналди. Енгил, оқ-ҳаворанг, муюлишда йўқолиб, яна пайдо бўлди. Рут ўша турганича унга қараб қолди.

– Ўтгин! – охирги марта қичқирди Аннелисе пастдан ва кетидан эшикнинг ёпилгани эшитилди.

Рут алламаҳалгача қўлида тутгани – қутини тиззасига теккизиб ўтирди. Ғалати-я, унга бармоқлари йўқдек туюлди. Охири қоғоз очилиб, тизимча эшилиб қути кўтарилди. Қутида Ингеборг ётарди. Бир маҳаллар Ингеборг деб атагани, бўлмағур, эски қўғирчоқ. Унинг бошигина ҳақиқий қўғирчоқникига ўхшайди, қолгани латта-путта. Ётоқхонада эса Аннелисе, ростмана эгилиб-букиладиган қўл-оёқли, сочлари ҳам одамларники каби, кўзлари ётқизганда ёпилиб, кўтарганда очиладиган Аннелисе Сейделин ётарди.

Рут аста қўғирчоқнинг олдига бориб қўлига олди, очиқ дераза қаршисига элтди. Деразадан туриб оч ҳаворанг нимарсанинг қулашини узоқ кузатди. Қўғирчоқнинг ҳув пастда, бўзранг асфалть устига тушганини эшитди. Энди ўша ҳаворанг нимарса қимир этмай ётар, парчалари эса атрофга сочилиб кетганди. Таажжуб, у қўғирчоқни бир кўрар, бир кўрмасди.

Пастда Аннелисе Сейделин ётарди. Ҳақиқий Аннелисе Сейделин.

Кейин Рут йиғлаб юборди.

Рус тилидан
Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ
таржимаси

ТОҒЛАР ТУМАН ҚЎЙНИДА

Ҳикоя

Шойим БЎТАЕВ

Эрта тонгда қўналға-мултажоларини тарк этиб, туманли тоғ сари йўл олган беш нафар отлиқ гуруҳнинг бошида қовоғидан қор ёғиб Холбўта борарди.

У яланг товони билан ахлат босиб олгандек таъби бениҳоя тирриқланган, ичига чироқ ёқса ёримасди.

Бунинг сабаби, у яқингинада лак-лак шердил йигитлари билан сурону ваҳима солиб, юрт сўраб юрганию бугун хўжасиникидан қувилган санқи итдек ярим тунда от ихтиёрини ўзига қўйганча бетайин-бемаврид йўлга тушганида ҳам эмасди. У бундайин дарбадарликдан ҳам аччиқроқ хору зорликларнинг таъмини тотиган, шундаям олдиндан маёқдай милтиллаб тургувчи шуълага – умидга ишонган эди.

Холбўтанинг кўзлари қизариб-шишган, бетиним ўйлар таъсирида пешонаси ғижимланиб-тиришиб кетган, кўраётган нарсаси – қора, қоп-қора туман омад ундан юз ўгирганидан нишон бераётгандек бўлиб туюларди.

Саидмурод, қўрбошининг бевақт йўлга чиққанига ичи куйиб, аламдан тутаб келаётган понсод, сўз бошлаганда Холбўта ана шундай кайфиятда эди.

– Бек, бўрига ўхшаб тентиб юрганимиздан кўра ўша лакотнинг жонини жаҳаннамга йўлламоқ керак эди, – деди понсод мингирлаб.

Холбўта эшитмагандек қайрилиб қарамади.

У кўнглида Яратганга муножот-муроқаба қилиб, танига кучу қувват, кўзига равшан нур берган қазову қадар дилига тўғри йўлга солгувчи туйғу солмаганига ўксиниб борарди. Олис-олис манзилларда илғанган умид шуъласи аслида сароб; у интилган озодлик қанчадан-қанча бегуноҳ қонларни қурбонликка олди.

Холбўтанинг қайрилиб қарамаганию ўз ўй-хаёлларига ғарқ бўлиб кетаётгани понсодга нописандликдек туюлди, унинг ичидан қиринди ўтиб ўйлади: «Тугаб боряпти-ю, димоғу фироғига ўлайми? Куни битганини ўзи ҳам сезиб турибди чоғи, фақатгина унинг қони эвазига қизилларнинг эҳтиромига сазовор бўлиш мумкин. Бусиз у мени ҳам, бошқаларни ҳам ўзи кетаётган жаҳаннамга элтади. Анаву валакисаланг тўрт йигит буни тушунмайди, қўрбошининг соясига ҳамон илгаригидек намоз ўқишади».

Улар аввал бу кеч Ҳайит бадалнинг уйида қолишмоқчи эди.

Бироқ у ерда Зокир лакот ҳам тўрт-беш киши билан ўтирган эди. Холбўта йигитлари билан икки соат аввал кириб борганда у нималарнидир валдирар, бошқалар эт ейишаётган эди. Холбўтани кўриб Зокир лакотнинг гапи оғзида қолди, ранги паға бўлиб кетди. Холбўтаям остонадан ичкари ҳатламади.

– Э-ҳа, кўна, ҳамтовоқларимиз-ку! – Саидмурод шундай дейиши биланоқ Холбўта кескин ўгирилди.

У понсоднинг аллақачон Зокир лакотга мўлжаллаган тўппончасининг учини юқори кўтариб юборди, ўқ шифтга тегди, тахмон устидан шувиллаб тупроқ тўкилди.

Холбўта тўппончани Саидмуроднинг белидаги ғилофга қайта жойлади.

– Эсиз, – деб ғўлдиради Саидмурод.

Холбўта унинг ўққа ачинаётганини англади, тишининг орасидан «чирт» этказиб тупураётгандек:

– Садқаи сар, – деб қўйди.

У понсоднинг тўппончани ғилофдан сас-сабарсиз суғуриб олганини сезди-ю, унинг кўзларида шу чоғ шахтидан қайтгани боис қўрбошига нисбатан норозилик қўланкалари пайдо бўлганини фаҳмлолмай қолди.

Холбўта Зокир лакотга бир муддат сўзсиз тикилиб турди. У шокосасидан чиқаёзган кўзларини олиб қочар, оғзида нос борлиги туфайли сўзлолмасди. Гиламнинг бир четини кўтариб тупуришга ҳайиқаётганди, ташқарига чиқай деса...

У оғзида тўлиб бораётган тупугини аста-секин ютиб, ранги оқаргандан-оқариб, пешонаси терчилаб ўтираверди.

– Ичинг ўтиб кетдими? – кесатди унинг нос чекиб олганидан бехабар Саидмурод.

Ўтирганлар кулишни ҳам, кулмасликни ҳам билмай Холбўтага қарашди-ю, дарров бошларини эгиб олишди.

Қўрбоши хомуш эди.

– Энди ким томонидасан? – деди Саидмурод, унинг алами ҳамон босилмаганди. – Биз келдик, бизга ўтиб қўя қолмайсанми? Қизиллар келса, уларга ўтасан, дарвозангнинг тепасига уларнинг байроғини тикиб қўясан.

Ҳайит бадал бемаврид қўноқларни сира кутмаганди.

Улар аллақачонлардан буён сувга тушгандай гумсиё бўлиб кетишганди-да!

У ичига ўт тушгандай ҳовлида типирчилаб-питирлаб юрар, ўзини панароққа олишга уринар, аксига олгандек ҳадеб кўзга ташланиб қолаверарди.

У ахийри қазноққа кириб яшириниб ўтиришга мажбур бўлди. Сичқонлар ўйнаб юрган тақир ерга ўтираркан, қизилларга мойил кўринган одамларни айни бугун чақирганига, ўзини ҳам шуларга хайрихоҳ кўрсатиб қўйишга уринганига афсусланар, ўзини ўзи сўкарди.

Холбўта йигитлари билан қишлоққа тушдими, Ҳайит бадалникига келарди.

У хонадон эгаси билан кўп ҳам ош-қатиқ бўлиб ўтирмаса-да, негадир шу ерни хушларди, ўз уйидек эмин-эркин, яйраб дам оларди.

Кимсан Холбўтадай қўрбошининг иззатини жойига қўяётганидан Ҳайит бадал фахрланарди. Қудратли тўданинг шарти кетиб парти қолишини ўйлаб ўтирармиди шундай дамларда.

Ҳайит бадал бошини чангаллаб ўтираркан, бирдан кўзлари чарақлаб, фикри ёришди. Э-ҳа, мундай ўйлаб қараса, у чақирган одамларнинг бари лакот – иккиюзламачи, соқолли-соқолсиз, ориқ-семиз, катта-кичик лакотлар – бирортасининг ҳам тайини йўқ, кимнинг қўли узун келса, ўшанинг тарафида...

Анча фурсат ўтиб эшикка чиқишга чоғланган Ҳайит бадал яна қайтиб тақир ерга ўтирди: пешонаси шўр экан, бундай баҳоналар билан уларни алдаб бўлармиди? Рамақ онларида туришса-да, энди улар кимнинг қандайлигини англаб етишган.

Кўр ҳассасини бир марта йўқотади.

Ҳайит бадалнинг боши гувиллади, каттариб кетаётгандек туюлди.

Отлиқлар унинг ҳовлисини тарк этишганда ҳам шу ангиз тонг отгунча ўтирди.

Туркистон тизма тоғларининг қорли чўққилари кўзга чалиниб қолди.

Туман тарқаб, одам бир-бирини беш-ўн қадам нарида танийдиган ҳадга етди.

Холбўта эса ҳамон ўша ҳолатда, атроф-тумонатда не ҳодиса, не ўзгариш – унга заррача алоқасиздек, бошини қуйи эгиб борарди...

Олис-олисларда чорлаётгандек туюлган умид шуъласи аслида ортда қолган экан.

У ҳам чиллак ўйнаб, қўй боқарди.

Кичкинагина тепаликка юзлаб қора-қура болалар сиғишарди.

Энди бўлса субҳи козибдан бери кетяпти, кетяпти; субҳи содиқ ҳадга етди – кетяпти, кетяпти; тонг отади – кетаверади, кетаверади – заминнинг чек-чегараси йўқдек.

Аслида, бу ерлар Туркистон тизма тоғларининг этаклари, холос.

Улар йўлда давом этишди.

Холбўтанинг юраги ҳамон торииққандан-торииқиб борарди.

Йўқсиллар наздида, у адашган, ўзи камбағалдан чиққану елкасига тегадиган мунаввар қуёш шуъналарини кўролмаган – сўқир; ким учун, нима учун курашаётганини ўзи ҳам билмайди, нимаям бўларди, бир кунмас бир кун итдек, итдан ҳам баттар ўлиб кетади.

Бойлар наздида эса қазисан, қартасан – асли наслингга тортасан; уларнинг ишончларини оқлолмади.

Қора, қоп-қора туман...

Улар оқ найзаси ложувард осмонга санчилиб турган қоянинг остига етиб келишди.

Отларни кўм-кўк барра ўтлар ўсиб ётган рақбада яйдоқ қолдиришди.

Анча олисда, қоя этакларида ёйилиб ўтлаб юрган қўйлар жимитдеккина кўринар, чўпон қийқириқларининг акс-садоси дамо-дам зўр-базўр қулоққа чалинарди.

Холбўта моғорлангандай қора харсангтош устида қовоқ уйиб ўтирарди.

«Йигитларга қандай қилиб жавоб бериб юборсам экан, – деб ўйларди у. – Майли, бошлари оққан томонга кетишсин».

Холбўта ўққа учган, қочиб кетган, хоинлик қилган, ҳатто бир-бириниям отиб қўйишгача борган тўданинг қолган-қутган тўрт йигитнинг ҳар бирини ҳаёти учун қайғурар, бундан бу ёғига нима қиларини билмай боши қотганди.

– Бек, хаёлга толдингиз? – Саидмурод понсод ариқнинг нариги томонида, отлар ўтлаб юрган рақбада тик турганча Холбўтага ўқдек нигоҳ қадаб сўз қотди.

– Тўғри айтдинг, Саидмурод, хаёлга толдим, – бошини кўтармай хомуш жавоб қайтарди Холбўта. – Ҳаммамиз ўз йўлимизга кетиб, тарқасак яхши бўларди, деб ўйлаяпман. Йўқса, изимиздан барибир таъқиб қилишаверади.

Саидмурод билдирмай қўлини тўппончага узатди.

– Буни барвақтроқ ўйлаш керак эди, бек, – деди ғазабдан кўкариб. – Бизни тарқатиб юбориб, ўзинг қизилларга бориб сотилмоқчимисан, – у бирдан сенсирашга ўтди. – Йўқ, анойини топибсан. Ҳали Зокир лакотни отиб ташлашга қўймаганингнг боисиниям энди тушундим. Улар сени сақлаб қолишади, кейин бизни битта-битта тутиб берасан, шунақами? Йўқ, ниятингга етолмайсан, бек!

Холбўта бошини кўтарганда Саидмурод ўқ узди.

Қўрбошининг ранги пағ бўлиб кетди.

Нариги томондаги рақбада чўзилиб ётган икки йигит сапчиб туриб кетишди ва дарров нима гап-сўзлигини фаҳмлаб Саидмуродга ташланишди.

Саидмурод иккинчи ўқни ҳам узишга улгурганди.

Холбўта қулади.

Йигитлар понсоднинг қўлини орқага қайиришаётганига жон талашиб ётган Холбўтанинг кўзи тушиб:

– Уни қўйворингл-ар...– дея ҳирқироқ овозда буюрди.

Йигитлардан бири:

– Ахир...– дея энди гап бошламоқчийди, Холбўта изн бермади.

– Қўйворинглар...– базўр ингради у. – Кетсин... – шундай дея қандайдир муҳим нарсани йигитларнинг ёдига солмоқчи бўлгандек, – сўнгги сўзим... – деб пичирлади-ю, давомини айтишга ҳоли келмади.

Йигитлар бир-бирларига маъноли қараб қўйишди.

Чамаси, улар қўрбошининг нима демоқчи бўлганини фаҳмлаб олишган эди.

Холбўтанинг нафаси ичга тушгандай, тили айланмай қолди.

Унинг сўниб бораётган кўзи осмонга тушди: увада булутчалар, қуёшнинг кўк тоғидаги бир тутам нури аралаш-қуралаш гир-гир айланди, айланди... Чўққилар ер билан битта бўлди, кунпаякун бўлди, ер канораларию сарҳадлари айқаш-уйқаш қоришиб, остин-устунлашиб чашми ногиронига жамланиб келди: тугади.

Саидмурод бурила солиб қоча бошлади.

У нафасини бироз ростлагач, оти рақбада қолиб кетганини эслади, ортига қайтмоқчи бўлди-ю, қўл силтаб яна кетаверди.

У узоққа кетмади.

Кўздан пана жойга яшириниб, йигитларнинг бундан кейин нима қилишларини кузатиб турди.

Йигитлардан бири ҳуржундан дастаси калта бел чиқарди.

Тўрттала йигит булоқ бўйида қабр қаза бошлашди, орадан бир соатлар ўтар-ўтмас улар бу ишни бажариб бўлишди.

Холбўтанинг усти бошини ечиб олиб, мурдани ювишди, салласини кафан қилишди.

Барча расм-русумларини жойига қўйиб уни дафн этишгач, нари кетишди.

Саидмуроднинг кўнгли тинчиб қишлоққа йўл олди.

Эртаси куни тонг саҳарда у қўли боғлоғлиқ ҳолда олдинда келар, унинг ортидан шай тўппончасини маҳкам ушлаб олган кепкали киши, орқароқда икки отлиқ, энг орқада елкада кетмон билан дўппили икки ёш йигит келишарди.

Улар бир-бирларига сўз қотишмас, кепкали киши дамо-дам атроф-жавонибга олазарак назар ташлаб қўяр, Саидмуроднинг сўзига – Холбўтанинг тупроқ остида ётганига ишонмаётгани юз-кўзларидан аён эди.

Юра-юра булоқ бўйидаги қабрга етиб келишди, қабрнинг тупроғи анча қотиб қолган, майитнинг ҳақиқатан ҳам куни кеча дафн этилганидан нишон берарди.

– Шуми? – сўради кепкали киши Саидмуроддан.

– Шу, – понсод бош тебратди.

– Қабрни очинглар, – буюрди кепкали киши.

Йигитлар бунга қўллари бормай, истамайроқ туришарди.

– Сизларга нима бўлди, чарчадиларингми? – деб сўради кепкали киши.

– Шуни очиб ўтирмайлик, – сўзлашга журъат этди йигитлардан бири. – Хосияти йўқ. Биримизмас биримизга касри уради, бирор фалокатни бошлайди...

– Манави алдаётган бўлса-чи? – иккиланди кепкали киши Саидмуродга ишора қилиб.

Йигитлар елка қисишди.

– Очамиз! – қатъий хулосага келди кепкали киши. – Бугун биз унинг понсодининг гапига ишониб ўлдига чиқарсак, куч йиғиб яна бош кўтариб қолади. Майли, бир кўрайлик, кейин яна кўмиб қўяверамиз.

Қабр тупроғига биринчи бўлиб унинг ўзи кетмон урди.

Отлиқлар ва йигитларнинг, ҳатто Саидмуроднинг ҳам ранги бўздай оқариб кетди.

Иш анча қизигач, улар кўникишди, бир-бирларининг қўлидан кетмонни олиб, чеккага ботмон-ботмон тупроқ улоқтираверишди.

Саидмуродгина миқ этмай уларнинг ишини кузатиб, кеча Холбўта ўтирган моғорлангандай қора харсангтош ёнида тик турарди.

Улар анча вақт қабрдан тупроқ чиқариб ташлаш билан машғул бўлишди.

Саидмуроднинг назарида эса бу ишнинг ҳеч чек-чегараси кўринмаётгандек, йигитлар имиллагандан-имиллаётгандек бўлиб туюларди.

Охири Холбўтанинг ўқ илма-тешик қилиб ташлаган чопони ва унинг учи қайирилма этигини қабрдан тортиб чиқаришди.

Саидмуроднинг тиззаларидан бутунлай мадор кетди, юраги ортга тортди, негадир ичаги оғзига келгандай ўқчий бошлади, қув-қув йўталди.

– Шуми? – сўради кепкали киши қандайдир истеҳзо билан.

– Шу-у... шу-у... – нима деярини билмай қолган Саидмурод адойи тамом бўлиб, беихтиёр музхона ўртасида турганда қалт-қалт титрай бошлади.

У шўрлик садоқатли йигитлар тун чоғи қабрни очишиб, майитни кафанга ўраб олишганини, ўрнига лаш-лушларини ташлаб кетишганини тасаввур ҳам қилолмасди.

Келганлар яна ортга қайтишди.

Энг олдинда қўли орқасига боғланган, боши кўксига тушиб кетган Саидмурод понсод борар, ундан кейин қўлида тўппонча билан кепкали киши ва қолганлар изма-из келишарди.

Тоғлардан эниб тушган туман атроф-тумонатни қоплаган, кепкали киши негадир ортига қараб-қараб қўярди.

Ложувард, мусаффо осмонга тиғдек санчилиб турган чўққининг энг учида субҳи козиб чоғи пайдо бўлган қабрдан ҳеч кимса хабар топмай, у бўз тепачага айланди, абадул-абад тоғларга сингиб кетди ва унинг сўйланмаган минглаб-миллионлаб афсоналаридан бирига айланди.

ЎЗБЕК-КОРЕЙС: ИККИ ХАЛҚ ЎРТАСИДА БОШЛАНГАН АДАБИЙ АЛОҚАЛАР

“Ўзбекистон Президенти Мирзиёев” китобининг муаллифи жаноб Чо Чол Ҳён Корея Республикасининг Пуё уездидаги Шин Донгёп адабиёт уйи жамоасига: “Бу йил ўзбекистонлик ёзувчини ҳам чақирайлик”, деган таклиф билан чиқади. Жамоа бу ташаббусни қўллаб-қувватлайди. Мақсад – кореялик адибларни ўзбек адабиёти билан таништириш, ўзбек ёзувчисига Корея адабиётини танитиш. Не бахтки, “Uz Kor media group” компанияси муҳаррири Чо Чол Ҳён билан ҳамкорлик қилиб келаётган Халқаро пресс-клуб раҳбари Шерзодхон Қудратхўжаев тавсиясига кўра, ушбу дастурда қатнашиш менга насиб этди. 2019 йилнинг 13-15 декабрь кунлари Корея Республикасида бўлдим ва Шин Донгёп адабиёт уйида кореяликларга ўзбек адабиёти ҳақида маъруза ўқидим, Пуё уезди ва Сеул шаҳрини томоша қилдик.

13 декабрь куни Корея вақти билан соат 9:20 да Инчхон аэропортига қўндик. Бизни ношир, жаноб Шин Гванг Су кутиб олди. Етти йилдан бери Корея Республикасида ўқиб, ишлаб юрган ватандошимиз Гулшан келгач, биз аэропортнинг кутиш залидан пастки қаватга тушдик. У ер мошиналар тўхташ жойи – “парковка” экан. Ишонасизми, ҳайратим ўша ердан бошланди. Кимнидир кутишга келган одам мошинаси билан тўғри аэропортнинг ичкарисига кириб келаверар экан. Одамлар учун максимал даражада қулайлик яратилган. Айтишларича, узоқроқ сафарга кетаётган кишилар ҳам мошинасини бу ерда бемалол қолдириб кетиши мумкин экан: хавфсиз “қўналға”. Аэропортдан узоқлашарканмиз, унинг ўзи катта шаҳарни эслатишини англадим.

Аэропортдан чиқиб, бироз юрганимиздан сўнг жаноб Шин Сариқ денгизнинг устидан ўтишимизни айтди. Корейслар уни “Ғарбий денгиз” деб аташаркан. Аввал денгиз кўрганмисиз, деб савол берди жаноб Шин. Мен, йўқ, дедим. Биз денгиз устидан ўтган кўприкда тўхтадик. Илк бор денгизни кўраётган каминангизни жаноб Шин суратга олди. Денгиз мавжланмас эди. Чунки ҳозир сув қайтган маҳал экан. Лекин барибир ҳайратланарли. Кўприк. Бепоён денгиз. Ёқимла шабада. Бир томондан, манзара гўзаллигидан қувонсам, бир томондан, мамлакатда денгизнинг борлиги сабаб дунё бозорига яшил чироқнинг очиқлигини ўйлаб, корейс дўстларимизга ҳавасим келди. Бу бахт Корея Республикасига Худойим томонидан инъом этилган бебаҳо туҳфа.

Бир неча соат деганда мўъжазгина Пуё уездига кириб бордик. Уезд ЮНЕСКО рўйхатига киритилгани учун ҳам у ерда баланд бинолар қурилмас экан. Шин Донгёп адабиёт уйида бизни ёзувчи Чо Чол Ҳён кутиб олди. Бир пиёла олмали чой ичганимиздан сўнг, бизга Пуё уездининг ўрнида 1600 йил аввал мавжуд бўлган Пек Чи қироллиги ҳақида маълумот беришди. Япон маданиятини ўзлаштирган қироллик жуда узоқ йиллар давомида ўша ҳудудда ҳукмронлик қилади. Афсуски, қиролликнинг саройи ва улар фойдаланган буюмлар бизнинг кунларгача етиб келмаган. Ўтмишда ўша қиролликнинг ҳимоя дарвозаси саналган Олтин дарё ёки (бошқа номи) Оқ от дарёсига бордик. Дарёнинг кунчиқиш томонида қоя бор экан. Қиролликни бошқа давлатлар босиб олмоқчи бўлган маҳаллар аҳоли: “Душманга енгилгандан кўра, шу ерда ўлган афзал!” дея ўша ердан ўзини сувга ташлашар экан. Ҳар гал кимдир нобуд бўлганда одамлар, яроқ узилди, дейишар экан. Ўша қоя ёнида жойлашган будпарастларнинг Куран ибодатхонасини ҳам томоша қилдик. Унинг ёнидаги шомонлар ибодатхонасини ҳам кўрдик. Афсоналарга кўра, уч ёшга ёшартирувчи сувдан ичдик. Сўнг Шин Донгёп адабиёт уйига қайтиб, ўзбек адабиёти ҳақида интервью бердим.

Сафаримизнинг иккинчи куни шоир Шин Донгёп туғилиб-яшаган уй, фойдаланган буюмлар, унинг ҳаёти ва ижоди билан танишдик. У 1930 йилда туғилган. Кўпчилик шоирлар қишлоқда туғилиб, шаҳарга кетиб ижод қилишади. Аммо Шин Донгёп туғилганидан то умрининг сўнггигача Пуёда яшайди. Унинг қисқа ҳаёти Японияннинг Кореяга бостириб келиши ва Кореядаги диктатура сиёсати йилларига тўғри келади. Шунинг учун ҳам унинг ижодида мана шу мавзулар етакчилик қилган. У диктатурага қарши бўлгани учун ҳам кўп тазйиқларга ҳам учраган. Айниқса, унинг “Йўқол, пўчоқ” шеъри машҳур. Яъни у ўз даврининг мустабидларини пўчоққа ўхшатган ва уларнинг ҳокимиятдан кетишини истаган. Шин Донгёп умри давомида битта китоб чиқарган. Қолган китоблари ўлимидан сўнг дунё юзини кўрган. Шоир 1969 йилда жигар саратонидан вафот этади. Мана, орадан неча йил ўтиб, шоир орзу қилган кунлар келди, Корея ҳокимиятидан диктатура йўқ бўлиб, инсон ҳуқуқларига асосланган халқ ҳокимияти ўрнатилди.

Шин Донгёп даштга чиқишни яхши кўрган. Унинг “Дашт” номли шеъри ҳам бор. Адабиёт уйи қурилиши шоирнинг ўша шеъридан олинган экан. Бинонинг

Фозил ФАРҲОД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Раисининг Матбуот котиби, ёзувчи

ўнг томонидан кетаверсангиз, худди даштга чиққандай, унинг тепасида пайдо бўласиз. Айланиб-айланиб, уйнинг ичига тушиб қоласиз, бинонинг ичини айлансангиз, асосий эшикдан чиқиб биринчи турган жойингизга борсангиз бўлади. Жудаям антиқа иншоот.

Тушдан сўнг мен йиғилганларга ўзбек адабиёти ҳақида маъруза ўқидим. Миллий адабиётимиз тарихи ҳақида баҳоли қудрат сўзлаб, сўнгра замонавий ўзбек адабиёти, эришаётган ютуқларимиз, халқаро адабий аълоқаларимизга ўтдим:

“Дунёга чиқаётган ўзбек ёзувчиларимиз ҳам бор ҳозирги кунда. Масалан, ёзувчимиз Эркин Аъзам. Ҳаёт у киши. 2015 йилда “Алвидо, эртаклар” китоби инглиз ва француз тилларида нашр этилди. Китобларнинг тақдимоти Париж ва Вашингтонда ўтказилди. Ёзувчи кўпроқ киноқисса ёзади, кўплаб ёзганлари кино бўлган ва бу киноасарлар халқаро мукофотларга сазавор бўлган.

Абдулҳамид Исмоил Қирғизистонда туғилган. Тошкент давлат университетинини тугатган. Унинг Абдулла Қодирий ҳаёти ҳақидаги “Жинлар базми” романига Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг адабий мукофоти берилган. Собир Ўнарнинг асарлари ҳам кўп тилларга таржима бўлган. Қизиқ ва Корея билан боғлиқлик томони, Ўзбекистонда “Алпомиш” ва “Жумонг” достонларини таҳлил қилиб докторлик диссертациясини ёзган кореялик олима Инг Кионг О хоним ёзувчининг ҳикояларини корейс тилига таржима қилиб, Корея Республикаси журналларида чоп эттирган.

Яна бир таниқли насрнависимиз Исажон Султоннинг “Ҳазрати Хизр изидан” номли асари Швеция пойтахти Стокгольмда бўлиб ўтган “Open Eurasia – 2017” номли нуфузли халқаро танловнинг совринли мукофотини қўлга киритди. Ҳазрати Хизр қиёматга қадар тирик бўладиган инсон. Одамлар уни кўрганда тилак билдиришади.

Дилбар шоирамиз Хосият Рустамованинг асарлари кўп тилларга таржима қилинган. 2018 йил Лондонда “Евроосиё ижодий Гилдия” нуфузли халқаро ташкилоти томонидан ўтказилган “Open Eurasian Literature Festival and Book Forum 2018” VII халқаро конкурсида “Шеърият” номинацияси бўйича биринчи ўринни олган.

Шоирамиз Гўзал Бегим халқаро тадбирларда кўп иштирок этган, шеърлари тўпламларга кирган. Вьетнам Республикаси томонидан “Адабий алоқалар ривожига қўшган ҳиссаси учун” медали билан тақдирланган. Бошқирдистонда онага бағишлаб ёзилган шеърлар бўйича ўтказилган “Она юраги” танловида шоира мутлақ ғолиб деб топилган.

Бу йил Ғафур Ғулом нашриёти томонидан 10 нафар ёш ёзувчиларимизнинг китоблари чоп этилди. Улар орасида менинг китобим ҳам бор. Фозил Фарҳод. “Кўклам куйи”.

Қолаверса, бу йил Тошкентда биринчи халқаро китоб фестивали бўлиб ўтди. Жаноб Чо Чол Ҳённинг “Ўзбекистон Президенти Мирзиёев” номли китоби ҳам ушбу кўргазмага қўйилди. Муаллифнинг ўзи ҳам кўргазмага иштирок этди. Кўргазма натижаларига кўра, “Ғафур Ғулом” нашриёти Корея Республикасининг “Sisabooks” номли нашриёти билан ҳамкорлик қилиш масаласида келишиб олди – Корея Республикасида нашрдан чиққан, ёзувчи Чой Ҳи Ёнгнинг “Мен Ўзбекистонни севаман” китоби ўзбекчада ҳам чоп этиладиган бўлди.

Бу менинг биринчи китобим – “Мактуб”. “Кўклам куйи” иккинчи китобим. Лев Толстой севимли ёзувчим. Унинг “Анна Каренина” романи менда ўзгача таассурот қолдирган. Ҳатто “Уруш ва тинчлик”дан ҳам юқори қўяман. Чунки асар ғояси жуда кучли. “Анна Каренина”нинг ғояси файласуф Шопергауэрнинг “Севги илоҳияти” рисоласидаги ғоялар билан айнан уйғун келади. Шопергауэр рисолада эркакларнинг хиёнати нега кечирилади-ю, аёл кишининг хиёнати нега кечирилмаслигини ёзади. Толстой буни амалиётда исботлаган.

Француз ёзувчиси Алфонс Доденинг “Сўнгги сабоқ” ҳикояси ҳам ҳаётимда катта рол ўйнайди. Франциянинг қайсидир ҳудудига немислар бостириб кириши ва бунда француз тили ўрнига олмон тили ҳукмронлик қила бошлаши акс эттирилган ҳикоя. Бу йил Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан 22 нафар муаллифнинг китоблари 10 минг нусхадан чоп этилди. “Ижод” жамоат фонди томонидан молиялаштирилган.

Бу бизга қуриб берилган Адиблар хиёбони. Бу ерда Алишер Навоийнинг ҳайкали бор, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад ва Саида Зуннунова, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, адабиётшунос, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов сингари зиёлиларимизнинг ҳайкаллари ўрнатилган.

Сизлар билан танишганимдан жудаям хурсандман!

Корея менда жудаям яхши таассурот қолдирди. Айниқса, одамлари. Саминий, меҳмондўст, бир-бирига таъзим қилиб саломлашишар экан, худди ўзбекона – биздаям қўлини кўксига қўйиб таъзим қилиш одати бор.

Кореяга келишим ҳаётимда жуда катта бурилиш ясади. Шаҳарларингиз жудаям чиройли. Кўчалар равон. Кўп нарса замонавий, қулайлашган, электрон шаклга ўтиб кетган. Электронлашган дунёдаям юрагини сақлаб қолган одамлар борлигини кўриб хурсанд бўлдим. Шунинг учун сизларга таъзим қиламан. Раҳмат!”

Маърузамдан сўнг адабиёт уйида 60 ёшга тўлган ижодкорларнинг ижодий кечаси ўтказилди. Булар рассом, фотограф, ҳаттот, мусиқачи, адиблар эди. Буни турли хил соҳанинг ижодкорлари бир нуқтага бирлашиши, десак ҳам бўлади.

Сафаримизнинг учинчи куни Сеул шаҳрининг диққатга сазовор жойларини томоша қилдик. Сеул шаҳар қутубхонасига бориб, “Ўзбек” номли китоблар жавонидан она тилимиздаги китобларни кўрдик, варақладик. Телевидение, газета биноларини томоша қилдик. Чо Сон қироллигининг саройи билан танишдик. Ўзбекистон байроғига бурканиб суратларга тушдим.

Ушбу сафаримиз Ўзбекистон ва Кореянинг адабиёт борасидаги илк алоқаси бўлди, десам янгилашмайман. Ўйлашимча, борди-келдиларимиз шу билан тўхтаб қолмайди. Ушбу сафаримиз икки халқ ўртасидаги адабий аълоқаларни бошлаб берса, ажабмас.

Кираверинг, дераза очиқ

Феруз НЕЪМАТУЛЛАЕВ

* * *

Илдизини ковланг дарахтнинг.
Буталаманг,
Қўл теккизманг ва
Қулоқ илганча туринг
Япроқларнинг шовқинларига.
У гўзал дарахтдир.
Балки
Мевалари тотли ва ширин.
Тушуна олмайман,
Нега дарахтнинг
Илдизи қуёшдан яширин?!
То ҳаёт бор экан кўкка бўйлагай,
Тегманг.
У ўзини тортади бахтдан…
Нега бундай, ахир?
Ўйламай
Илдизини ковланг дарахтнинг.

* * *

Тескари қарагим келар негадир,
Такрорий ҳаётдан йўқ энди маъни.
Ғурур оёғимга ташлади занжир,
Тескари кузатиб турдим ҳаммани.

Боқарлар кўзларга ёш олиб, секин,
Ёқимсиз мусиқа чалар қадамлар.
Тўхтанг. Жавоб беринг. Ахир, кимсиз, ким,
Эй, менга тескари бўлган одамлар?

Охирги манзилда қандай сир-асрор,
Қаердан келдингиз, борурсиз қайга?
Мавжудлик ҳавога бўлса шунча зор,
Самовий ёруғлик – қуёшда не айб?!

Дунё тизгинига тушмас ҳеч ларза,
У босиб ўтади ўз йўлин оқсаб.
Ёқимли – ҳамма тик боққан маҳалда
Ёлғиз мен қуёшга тескари боқсам…

* * *

О. Ҳотамга

Ҳар не келар қуюлар ўйга,
Дунё – тўзим билмаган қуюн.
Ўтмишимни, эртамни ўйлаб,
Ўзлигимдан айирар ўйим.

Дунёйимдан дунёлар ўтди,
Сочлари оқ, лаблари қуруқ.
Кимдир мени буткул унутди,
Мен ҳеч кимни унутганим йўқ.

Эслайман ўтмишнинг кўзгусин артиб,
Қайта севилиш бор, қайта севиш йўқ...

Сочимга кўнди оқ, юзимга ажин,
Сен хам қаригансан кўрганлар айтди.
Бу кун кўкка боқиб сени эсладим.
Бу кун ёшлигимга сўнгги бор қайтдим.

2.

Қайсидир бекатда автобус пойлаб,
Шамолдан жунжикиб, пуфлаб қўлингга,
Кўзлар тўқнашади, таниш икки қалб,
Билмадим, негадир совуқ кўриндинг.

Азалий хаётдай салом ва алик,
Икки жон ичинда икки ёд қабр.
Автобус қўзғалди, хайрлашмадик
Аввал кўришмаган бегона каби.

* * *

Осмон бошимизда мовий аланга,
Ёруғлик доимо ғолибдир жангда,
Борлиқ – аросатда тик қотган танга,
Илоҳий бахт каби туюлар, жоним,
Аччиқ ёшларимни тўксам ярангга.

Тилсизмиз, сўзловга сўзимиз қўлдир,
Кўзимиз манзили фалакка йўлдир,
Мен сенга тўлайин, сен мени тўлдир,
Сассиз лабимиздан сас чиқса, жоним,
Ўлдир, ўзингни ҳам, мени ҳам ўлдир.

Мен бу кун хиёнат, сен бу кун ёрсан,
Мен бу кун диёнат, сен бу кун орсан,
Мен бу кун қиёмат, сен бу кун дорсан,
Умр айроликсиз ўтармиз, жоним,
Бағрингга ўқ каби суқилиб борсам.

Мақбас деворини бузиб тўрт ёнга,
Жимликни алишиб сарафроз онга,
Яксаржон жонини кўпайтиб жонга,
Шарқироқ сув каби оқармиз, жоним,
Кўҳак томирини тўлдириб қонга.

Сарбасар вужудлар ҳароратга зор,
Ҳотиралар – товуши мусаффо азон,
Йироқлик шамшири – даҳшатли жазо,
Руҳимиз кўк сари борадир, жоним,
Нигоҳлар суҳбати – муқаддас азоб…

* * *

Айланиб ўтинг,
Кетинг нарига.
Ин қурасиз нега итимнинг
Яраланган қулоқларига.
Фойдасиз:
Ким ўлар –
Ким тирилар…

Тирикликнинг пойи – айлана.
Кирдим, танбаладим эшикни.
Деразадан кираверинглар,
Яшамоққа бироз кечикдим.

* * *

Сузиб борар бошсиз кафанлар,
Боқсанг, тутиб олгудай пастдир.
Ахир, кимдир саҳар-азонлаб
Тебратади мовий қафасни.

Қанот ёзар одамлар – тушдай –
Икки олам икки куракда.
Учмоқ учун юксакда қушдай,
Энди фақат осмон керакдир.

* * *

(Ғазал шаклинда)

Келур жонон йўқлаб, оқшом
эшигимда тош осилгай.
Дарбозадан боқиб, хаста
кўзларимда ёш осилгай.

Элтар бўлсам сояларни
одам гул экмаган ерга,
Қаро нурсиз осмонимда,
булутларда лош осилгай.

Қанот айлаб ўйларимни
иблисларга сўзим қотсам,
Малакларнинг юзларинда
қовоқ бирлан қош осилгай.

Насибамни кўзга суртиб,
кечмиш йўлга узоқ боқсам,
Ўтган умрим лоф кўринур,
томоғимда ош осилгай.

Назмият тун келиб ҳар дам
хуффош каби симиргай қон,
Тирикликнинг оғочида
қадрсиз бир бош осилгай.

* * *

О, нақадар мафтун этар ўзига,
Тун, қуюқ туман.
Сўнгги бора порлар кўзимда,
Қачонлардир сўнган шам.

Хаёлотга чўкиб бордим – тор йўлак,
Йўл жуда узун.
Э воҳ! Туман аро яшасам керак
Ёлғиз бир ўзим.

* * *

Кетма!
Қанчалар яхшисан ёнимда.
Қанчалар осон кетмак…

Бошим оққан томонларнинг охири йўқ

Зулхумор ОРИФЖОНОВА

* * *

Бу тун оғир тун эди, о,
Дарахтларда мезон оғир,
Юрагимда гумон, оғрир,
биласанми?..
Ойна орти
тушлар сузар,
ўнг фақат мен,
қайтармикан ўзимники бўлган тушлар.
О, ёмғирлар ёға бошлар ташқарида,
деразамни муштлаб, муштлаб.
Очолмайман юрагимни,
томчиларнинг куйларига боғлар тўлсин.
Англадимки,
сен мен учун умримдаги
етиб бўлмас узун йўлсан...
Сен қанчалар куюнмагин,
бу дунёнинг ишларига,
Хавотирим, қанотлари хориб келган,
худди мезон қушларидай
қишдан эмас...
Унутишдан...
кунлар келиб бу боғлардан,
изларингнинг ўчмоғи бор.
Ўшанда ҳам руҳим масрур,
Ўшанда ҳам кўнглим хумор
бир ишқ бўлиб қоладирман...
кўнасанми?..

* * *

На кўнгил асради бизни, азизим,
На ҳуш қаршилади бу йилги кузак.
Йиғлаётган торлар узилади чирт,
Япроқлар тўкилар кўксимга музлаб...
О, яшаш мумкинми сукутлар ичра,
Олдингдан оқаётган вақтни симириб.
Истамам, қачондир ортга қайтмоқлик,
Насибинг бўлмасин кузни қидириб.
Ахир, қачон эди менинг келганим,
Ахир, кетмоғимни сездирмай қорлар
йўлингга ёғилар,
йўлинг оқ бўлсин...
Менинг кўзёшларим сенинг савобинг,
Афсусларинг менга бир гуноҳ бўлсин.
Аммо
сен яратган куй бор умримда,
Ҳаволарга сингган наводир ҳазин.
Торлар чалинади кузнинг бағрида,
Ўтса ҳам минг аср...

на кўнгил асради бизни, азизим..

* * *

Хуш келдинг,
шамоллар авайлаб сени,
Пойингга тўшади куз кунларини.
Офтоб эди асли юрагим менинг,
Кўксимга яшириб бор нурларини,
қайтадан яшадим...
ва кўнглим тўлди.
О, энди қўрқаман бахтиёрликдан.
Ишқнинг косасида шароблар тутдим,
Уфққа манглайин босган борлиққа.
Ютаман бўғзимга тиқилган сўзни,
Яна кимга айта олардим барин?
Тугаб битар кузнинг таманнолари,
Йўлим сенга яқин келгани сайин...
Туннинг томирига босилади чўғ,
Шамоллар яшарми тағинам хорғин?
Бир оғиз сўз демай кузатмоқ оғир,
Сен кетиб борасан,
кўнглим,
хуш боргин...

* * *

Кузни тинч қўй,
ўйларингнинг оғиридан
Елкалари эгилгани кам эдими?
Муҳаббатнинг кўчасидан ўтганларнинг
Бизга атаб кетганлари ғам эдими?..
Дуоларда очилётган гуллар гувоҳ,
йиллар гувоҳ,
нафасингдан чўчиб кетган еллар гувоҳ –
О, айбимиз,
кўзларида чўкаётган юрагимиз,
боши азал хамлигими?
Муборакдир агар Раббим
абад ишқни раво қилса.
Ҳар нафасда пешонамга ёзганининг,
юрагини тавоф қилсам...
Шу аслида кўнгил хотиржамлигими?..
Сўнгра мени тирилтирган ишқий ханжар,
Чап кўксимга чизиб кетса гўзал ганжлар.
Яшаб ўтсам қуллуқ қилиб, яширганча
кўзларимнинг намлигини...

* * *

Тағин куз...
Сен йўқсан
маъсум кунларнинг
бошланар қаршимда заволи.
Кимларни етаклаб қошимдан
шамоллар ўтади ҳавойи?

Қаҳвага қарайман;
кўзларим қаҳваранг,
қаролик тунларнинг насиби.
Тинглайман сенгача неча минг
хазонрез йилларнинг сасини.

Билмайман...
Кўксимга йиқилар
дарахтлар боғларни қолдириб.
О, кузлар кечади юрагим
тортиниб...
тортиниб...
тортиниб...

Тушларим тўкилар хазондек
манзилим топмасдан ниҳоя..
Қўрқаман,
о, бу куз умримда
бўлмасми энг узун ҳикоя...

* * *

Остонангга бошим қўйдим,
йўллар мени танимади,
баҳорлари боғларига хазон тўкди.
Кўзларимдан уфқларнинг манглайига
дардлар чўкди.

Бошим оққан томонларнинг охири йўқ,
Қанот бўлсам, хаёлларим изн берса.
Кўксимдаги чечакларнинг нафасидан
Саратоннинг ҳовучлари қизил бўлсин.

Қўлларимга дутор олсам,
Сочларимдан тори бўлса,
куй ёғилса кўзларимдан.
Ортга боқсанг, бу кечанинг юлдузлари
кўз ёш бўлиб тўкилади изларингга...

Йўлларингга бошим қўйдим,
бошин эгди гуллаётган ёсуманлар.
Бир ишқ бўлиб,
О, энг гўзал хониш бўлиб
юрагингга кириб борсам...
орзумандман...

* * *

Деразамга ўзин ташлаб,
қарийди тун...
Остонамга тўкилган дув юлдузларни
териб олар киприкларим.
Ўзим отгум тонг бағрига,
Шам бағрида ёнмоққа шай
парвонадай, тириклайин...
Шу заҳоти уфқ рангланар...
Тирқишлардан кирган нурга
қўлларингни иситасан...
Муҳаббатга жон бағишлаб,
Суратлар чиз ёгдулардан
гар истасанг...
Аммо бир кун қуёшнинг ҳам
Остонангдан қадамлари узилгайдир.
Тунлар қаро, кунлар рангсиз,
Билмам, сенга сезилгайми?..
Турналарга етиб олсам,
денгизларга айтиб ўтсам сенсиз тушим.
Уйғонасан, уфқларга ҳовуч тутиб,
о, сархушим...
Қалқиб кетса деразангнинг ортидаги
Ишққа бари дарвозасин очаётган Шош
Ва бир қатим ёруғликдай тонг бағрига
қулаб тушар кўзингдан ёш...

* * *

Кўзларимда
уфқларга аталган олов,
ҳаволарни бораман кечиб...
О, уйғониб кетар одимларимдан,
Сени уйқу элтган бу тонглар, кечир...

Қайтаман
кўкламнинг хаёлларидай,
Тушларингга сизиб кирар борлиғим.
Бўғзимдаги сўзлар келгунингча то
бўйнимга дормикин?..

Томирларим
дарёларга туташади,
Ўзанлардан уфқларга оқиб боргум
Ва сочилиб кетгум тонгнинг кафтларидан,
Кипригимда бир ёш қолди...

Бу дунёнинг мендан ўзга ғамлари кўп,
Хабаринг йўқ кунларимнинг ёнишидан.
Ўтинчим бор, фақат мени
айирмагин
Кўксимдаги соғинчимдан...

ВАТАН

Гулчеҳра АСРОНОВА

Ҳикоя

Илёс шоиртабиат йигит. Шу феъли зўр келиб, бир пайтлар қоғоз қоралаб ҳам юрган. Шоир-ку бўлмади, лекин адабиётга ихлоси сабабидан китоблар билан кўпроқ танишди ва... яхшигина ўқитувчи бўлиб етишди. Эртага ўз синфининг ўқувчиларига дарси бор. Янги чорак бўлгани учун адабиётда "Ватан мавзуси талқини", деган эркин мулоқотни режа қилиб қўйибди. Шунақа эркин мавзуларга келганда "шоирлиги қўзиб" кетади доим. Ҳозир ҳам қалин дафтарига мук тушганча узоқ ўйга толди, хаёлида айқаш-ўйқаш мисралар кезди. Уларни бир сафга тизиб, битта тўртлик бўлса ҳам ёзишга ва эртага ўқувчилари олдида "Муаллимингиз нафақат адабиёт ўқитувчиси, шоир ҳам", дегандек, айрим гапларни ҳам айтиб ўтмоқчи эди. Аммо уринишлари зое кетди. Шеър чиқмади. "Илҳом келмади", деб қўя қолди хўрсиниб, ҳам бироз жаҳлланиб. Хулосаси шу бўлди. Яқинда уйлангани ва касб тақозоси ҳисобга олинса, бу шоиртаъб йигитнинг аҳволи анчагина тушунарли бўлади.

Ҳар гал шунақа тўмтоқ кайфият чулғаганида хаёли Дилрабо томон олиб қочади. Исми жисмига монанд, мафтункор курсдош қизни қачон ўйламасин, беихтиёр кўнглига ғубор чўкади ва айни дамдагидек мужмал ҳолати сабаб баттар асабийлашади. Дилрабога қандай қилиб боғланиб қолганини ўзи ҳам билмасди. Назарида овози мусиқа янглиғ, нутқи ғазалмонанд бу сулув қизга ошиқ бўлмасликнинг иложи йўқ эди. Қизнинг ёқимли боқишлари, умидбахш кулгулари, эрка хўрсинишлари... Бари-бариси Илёсни мубтало қилган, қалам тебратишига ҳам шу қиз сабаб бўлган эди. Илҳом париси ҳам аслида шу қорақош санам – Дилрабо эди. Лекин... учинчи курсдаёқ бошқа йигитга тегиб кетди. Йигит ҳали дил изҳорини айтиб ҳам улгурмай кетди-қолди. Биргина ҳамхонаси Муҳаммаджонгина Илёснинг бу пинҳон дардидан воқиф ва ҳамдард эди. Илёсни ҳам ўқишни битирган йили ҳе йўқ, бе йўқ уйлантиришди. Олис қишлоқдаги қариндошининг қизи – Дилнозага. Бу қизнинг ҳам ҳуснда ҳусни бор, қадди-қоматда Дилрабодан қолишмасди. Аммо... Дилрабо эмасди-да. Суйган кишингнинг ҳар бир ҳаракатиям фазилат бўлиб кўринади, деган гапнинг мазмунини шундагина ҳис қилди йигит.

Уйлангани – рисоладагидек келинчак Дилноза эса... қисқа-қисқа гапиради, ҳеч нимадан ҳайрон қолмайдигандек, ҳеч нарсага қизиқиши йўқдек гўё. Дейлик, бирор бадиий асар устида баҳслашмайди, чиройли сўзларни ҳам билмайди, Илёс билан хаёлот, тасаввур оламида қўл ушлашиб бирга кезмайди. Ҳар ҳолда, Илёснинг илк таасуротлари шундай, гарчи тўйдан аввал учтўрт марта Дилноза билан суҳбатлашган, феъли-хўйи бир-бирига маъқул бўлганини ўзгаларга айтган бўлса-да... ҳай, одамнинг кўнгли қачон тўлган?!

"Илёс ака, чой..." Мана, қўлида чойнагу пиёла билан қаёқдандир пайдо бўлдию муаллимнинг хаёлини бўлди келинчак. "Чой" эмиш. Агар унинг ўрнида Дилрабо бўлганида қанча чиройли сўзларни изҳор этган бўларди. "Азизим, бир пиёла чойимизни қайтармассиз? Нималар банд этди хаёлингизни, шоирим?!"

– Бир илтимосим бор эди...

Дилноза чой узатаркан, эрига илтижоли боқди.

– Нима гап?

– Томорқадаги ишларни тугатдим. Бир уйга бориб келсам, девдим. Ойим рухсат бердилар. "Хўжайинингиздан сўранг-да, бориб келақолинг", дедилар.

Илёс "майли" дейишга оғиз жуфтладию фикридан қайтди.

– Уйингдагилар куни кеча келиб кетишди-ю, кимни кўргани борасан?

– Уйимизни.

– Нима?

– Уйни соғиндим-да.

Илёс кулиб юборди.

– Ёш болага ўхшайсан-а?

– Кулманг. Одам уйини соғинади-да. Ўша ерга борсам, хуморим босилади. Туғилиб ўсган ҳовлимнинг ҳар буржини соғинаман. Тандиру ўчоғи, сўрию супаси, пахсасигача. Фақат одамларигина эмас, тупроғи, иси ҳам бошқача азизда у ернинг...

Илёс бир сўз демай унга тикилиб қолди. Шу топда одми, сўзга нўноқ хотинининг айтган икки оғиз гапи унга эртанги дарси учун мавзу эканини туйқус англаб қолди. Ва беихтиёр тўлқинланиб кетди. "Ёпирай! Шундан чиқдими шу гаплар?" Бу саволлар қувонч аралаш уни қамраб олди. Ҳа, унинг – адабиёт муаллимининг эрталабдан бери бошини қотириб, аллақандай чучмал сатрлар, гўзал ташбеҳлар билан эвини қилолмаётганини хотини оддийгина қилиб айтди-қўйди. Ўзидек содда иборалар билан англатди.

– Бўпти, унда, мен ҳам кийиниб чиқай. Кузатиб келаман...

Эридан бу жавобни кутмаган келинчак эркаланиб ёқимли жилмайди. Илёсга хотини илк маротаба бениҳоя гўзал кўриниб кетди.

Абдували ҚУТБИДДИН номидаги мукофот

“Китоб дунёси” газетаси ташаббуси билан таҳририят республикамиз ва чет эллик ижодкорларни рағбатлантириш, китоб ва маънавият тарғиботини янада ривожлантириш ва кенг тарғиб этиш мақсадида шоир

Абдували ҚУТБИДДИН

номидаги мукофот учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ушбу танловда, шоир ва ёзувчилар ўз муаллифлик асарлари билан қатнашишлари мумкин. Танлов доираси чекланмаган. Унда нафақат мамлакатимиз ижодкорлари, балки хорижда қалам тебратаётган ватандошларимиз ҳамда чет эллик муаллифлар ҳам ўз ижод намуналарини тақдим этишлари мумкин.

Йил давомида Сиз жўнатган ижодий ишларни эълон қилиб, газетанинг сўнгги сонида ғолибларни аниқлаймиз.

Танлов ғолиблари «Китоб дунёси» газетаси томонидан шоирнинг сурати туширилган статуэтка, диплом ҳамда эсдалик совғалари билан мукофотланади.

Мавзу чекланмаган. Маънавий-ахлоқий мезонларга зид бўлган “асарлар” қабул қилинмайди. Бизга йўлланилаётган қўлёзмаларда инсон тафаккурини ўстирадиган ғоя, эстетик дидни кучайтиришга ёрдам берадиган ифодалар танловнинг асосий шарти ҳисобланади.

Қўлёзмалар таҳририят муҳаррирлари ва таниқли ижодкорлар томонидан сараланиб, саҳифаларимизда эълон қилинади.

Матнлар А4 форматда, 14 шрифт, 1,5 интервалда, имловий ва услубий хатоларсиз, электрон ҳамда босма шаклда қабул қилинади. Ҳар бир қўлёзма ҳажми 8 бетдан ошмаслиги лозим.

Ва яна шуни эслатиб ўтмоқчимиз, таҳририятга юборилган қўлёзмалар қайтарилмайди.

* * *

Субҳлар ҳўплайди патли ҳавони,
Бир кун ёлғончилик қилади апрель,
Мен сенинг келишинг ҳеч истамайман,
Бироқ кел.

Зар ип эшаяпти ёғдулар тошиб,
Зим-зиё ҳовонча эзгилайди ун.
Қавиб, тахлаб қўйди шойи кўрпани
Сен учун.

Жарангдор сочинг ҳам бўлар пўпакли,
Тиллақош топилар кўк сандиғида.
Уч газ булут кесса бўлар чимилдиқ,
Висол тоғида.

Киприкка илинган шабнам чўғдайин,
Бир кун ҳақиқатгўй бўлмади апрель.
Мен сенинг келишинг сира истамайман,
Бироқ кел.

Анбар инъом этар сенга чечаклар,
Тобе мамлакатдир сенга хуш чаман.
Мен эса чимилдиққа кираман-у,
Тиззангга бош қўйиб ухлаб оламан.

Суронлар чулғайди патли ҳавони,
Бир кун ўзим каби лақмадир апрель.
Мен сенинг келишинг ҳеч истамайман,
Бироқ кел...

Тони МОРРИСОН (1931–2019), америкалик адиба, Нобель мукофоти соҳибаси

“БИТУРУВЧИЛАРГА ДЕГАНЛАРИМ”

(2004 йили Уэллсли коллежида сўзланган нутқ)

Қаршингизда иқрорман, президент хоним, васийлар кенгаши, факультет аъзолари, қариндошларим, дўстлар, талабалар! Уэллслининг 2004 йилги ўқув дарси маърузасига таклифни қабул қила туриб, аввалига мени бироз зиддиятли ҳислар чулғади. Турган гапки, илк гапим бундан мамнун эканимни изҳор этиш бўлди. Бўлмасам-чи, биласизми, аёллар таълимида 125 йиллик тарихга эга донгдор даргоҳнинг тантанасида ҳам шахсан, ҳам расман иштирок этиб туришнинг ўзи бўладими: битирувчиларнинг рашк қилсанг, арзигулик минбари, дунё ишларини ўзгартириш чақириғига садоқат ила киришган, бошидан бошлаб йиллар давомида коллежлар тўқнашиб келаётган қийинчиликларни енгиб, қадамини илдам босаётган муассаса-я! Ҳаммаси – кутилмаган таклиф ҳам, бу шаҳарчага қайтишим ҳам – бенихоя севинтирди.

Лекин кейин ўй босди: шу топда бу катта даврада айни дамлар шукуҳини ўзидан ўтказаётган, ҳавас ва бироз ҳадик билан боқаётган олий маълумотли 500 дан ошиқ раҳбарлик остонасида турган аёллар, дўсту қариндошлар қаршисида нимани гапирсам экан, чунки хавотирда эдим-да. Етакчи ўқитувчиларга ҳам, маъмурият учун ҳам бу нимани англатиши маълум. Албатта, бу дўсту қариндошлардан қўнглим тўқ, аммо уларга шунчаки етказиб қўйинг гапимни: ёшлар ҳар доим “хавфли”. Сабабки, улар нафақат авлоддан-авлодга кўприк бўлади, ўрнимизга келади, балки бизни бутунлай мағлуб этиш учун ҳам раҳбар бўлишади.

Мен маъмурияту профессор-ўқитувчилар жамоасига бир нарсани эслатмоқчи эдим: буларнинг ҳар бири ўзи бажарадиган вазифасини жуда яхши билади; бу вазифа, мансаб ҳеч нарсамас. Биринчи ўринда энг муҳими – уларнинг эгаллаган касби. Энди, шубҳасиз, вазиятдан келиб чиқиб, келажак, ўтмиш, бугун, лекин кўпроқ бахтингиз ҳақида гапираман-да. Келажакка келсак, мен ўз фикримда қоламан, уни сиз яратасиз. Аммо ҳақиқат шундаки, бу ёлғиз сизнинг қарорингиз эмас. Келажакка ёлғиз ўзингиз хўжайин ҳам эмассиз. Келажак, шунингдек, атрофингиздаги бошқа одамларнинг ҳиссаси ва бу ишда сизнинг бошқарувчилингиз, бошқаларга таъсирингиз, тажрибангиз билан қурилади.

Келажак тўғрисида гапиришни бас қилай. Чунки уни тасвирламоқчиям, башорат қилмоқчияммасман. Очиғи, унинг борлигига унча ишончим ҳам йўқ. Бошқача айтганда, қандайдир сиёсий алмашинувлар, манфаатлару ҳарбий қизиқишларнинг устунлиги билан ҳаёт учун керак бўлган инсонпарвар келажак яралиб қолишига ишонолмайман. Чунки ўз-ўзидан тушуниладиган ҳокимият бўлинишлари, сўз эркинлиги, диний сабот ёки фуқаровий эркинлик кабиларга суянишимиз мумкин, деб ўйламайман. Яъни келажак авлод вақт ўтиши билан адоқсиз зиён ҳақида бир қарорга келмагунича. Токи келажак авлод бевосита вазифасидан ташқари, эзгулик ва зўр кучга, мабодо, эришиб бўлмаса-да, интилмагунича. Шундай экан, келажак тўғрисида хурсанд бўлишга ҳали эрта.

Эҳтимол, ўтмиш муносиб йўл кўрсатар. Сиз аллақачон муросасиз интеллектуал аёллар коллежининг қадимий анъаналарини баҳам кўрмоқдасиз ва бу ўтмиш, бу анъана ҳам англаш, ҳам асраб-авайлашга арзийди. Бу чексиз ҳурмат ва авлодга сингдиришга лойиқ ўтмиш. Сиз аллақачон мерос қилиб олган тарихий, иқтисодий ва маданий ўтмишни баҳолаш бўйича баъзи стратегияларни ўрганиб чиқдингиз. Аммо бу сизнинг ўзингиздан кейингиларга етказишингиз керак бўлган тўла миллий улуғвор меросингиз эмас.

Ушбу тавсиф оҳангида бироз узр, ғамгин энтикишни эшитасиз, у сиз учун унчаям маъқулмас. Чунки ўтмиш аллақачон бугундан қарздор. Ва бундан ташқари, сиз эшитган ёки ўрганганлардан фарқли ўлароқ, ўтмиш амалга оширилмаган ва тугалланмаган, у ҳали ҳам жараёнда, танқид ва таҳлил қилаётганингизда ўзи ҳақида янгиликлар очаверади. Ўтмиш уни қайта кўриш, акс-садосини таъсирланиб эшитиш орқали ўзгаради. Агар оғиб қолган, янглишган, ёлғон кўрсатилган жойини, сирларини ўргансангиз, аслида, ўтмиш тасаввуримиздаги келажакдан кўра эркка эга бўлиши мумкин.

Ўзимникини ўтказишга ҳаракат қилиб, яратиш бўсағасида турган одамлар олдида тарихдан сўз очиб ўтиришим бемаврид, жуда бемавриддай туюляпти менга. Шунинг учун, менимча, бу вазифа институт битирувчилари ва дунё фуқаролари сифатида сизнинг зиммангизга юклатилгани маъқул ва яна бир бор қайтариб айтаман: сиз ўзингизни огоҳлантиришни тўхтатманг, сиз бу ердан чиқиб, дунёни қутқаришни истайсиз. Шижоату расо фикрлаш билан сиз, албатта, тозаришингиз ва уни сақлаб қолишингиз ҳам мумкин. Энди бу бир авлодга бошқа авлод вакилидан юкланаётган оғир юкдир, чунки биз бу дунёни қутқариш учун эмас, балки шунчаки севишимиз, яъни унга зарар бермаслигимиз керак, у аллақачон калтакланган, бўғилиб бўлган. Унга озор етказманг ва шуни хоҳлаётганларга ҳам йўл берманг. Доллар банкнотларида байроқ кўтариб турган йиртқичларни таниб олинг. Улар доим нималар демайдилар, нималарни ваъда бермайдилар, сайёрани ҳақсиз ва ҳақли одамлар дов тикадиган қиморхонага айлантириш учун қўлдан келган ҳаммасини қилиб кўрадилар. Мен бу ҳақда масъулият-ла чуқур ўйладим. Агар сиз ҳам шундай давом этсангиз, бу ерда олган таълимингиз беҳуда, деб айтаман, вазифаларингиз қандай бўлиши кераклигини бир ўзингиз ҳал қилолмайсиз.

Шундай қилиб, мен атай эътиборсиз қолдириб, чўзиб келаётган бир мавзу қолди. Бахт. Биламан, ҳозир ҳаётингизнинг энг гуллаган пайти. Ана шу – бахт. Буни сизга кўплар айтган. Шундай, лекин ана шу яшаган ёки яшаётган, олдингизда турган ёшингизни гўзал йилларда ўтказаётган, ўтказаётганлигингизни, ҳаётингизнинг энг гўзал йиллари бўлса, менга ҳамдардлик билдиринг, чунки, менга ишонинг, ҳақиқий камолотга тенг келадиган бошқа қониқарли, ёқимли ҳеч нарса йўқ. Катталар ҳаёти сизни олдинда кутиб турган умрдир. Шаклланиш жараёни умумий муқаррар ҳодиса эмас. Унинг ютуғи – меҳнат ғўзаллиги, қозониладиган шарафдир. Худди шу нарсанинг ўзиям сизни тижорат босимию маданий бўшлиқдан халос қилолмайди.

Келажак, ўтмиш, бугунги кун ёки бахтингиз учун жавобгарлигингиз ҳақида жўшиб, илҳом билан гапиролмасам, ҳайрон қолишингиз тайин: нима қилиб пайдо бўптурибман ўзи бу ерда... Сизда савол туғилиши мумкин: масала шунчалик жиддий, шунчалик олдиндан маълум экан, менга нима алоқаси бор экан? Менинг ҳаётим қандай бўлади? Туғилишим ўз ихтиёримда бўлмаганидай, бу ерда бу гапларни айтиб ўтириш ҳам ихтиёримдамасди. Сиз қилдингиз, ҳа, сиз. Сиз шунга мажбур қилдингиз. Биласизми, туғилмай қолиш қанчалик оддий ҳолат, қанчалик жўн. Шу маънода эса, сизнинг Ерда, худди шу жойда туришингиз ҳаракатингизнинг бир бўлаги эмасмикин.

Шундай қилиб, айнан мен қизиқтиришга ҳаракат қилганим олам – ойдинлаштиролмаган, шунчаки тасвирлаб берган дунё меросхўрлари сиз бўласиз. Юқорида тилга олган – келажак, ўтмиш, масъулият, бахт ҳақидаги фикрларим барчаси, ҳақиқатан, диган бўлсангизгина. Агар тўғри тушунсангиз, бу гапимни сизга бир ҳамдард кишининг гапи ўрнида қабул қиласиз. Сабабки, сиз шу ёшда, шу маъқул йилларда қолиб кетишни хоҳлайсиз, қанийди балоғатдаги ўспирин бўлиб қолаверсам, дея. Бунинг устига, бутун саноатнинг барча соҳалари сизни ўзига чорлаб турган бўлса...

Яна бир бенуқсон либос, яна бир пишиқ ясалган ўйинчоқ, чиндан ҳам мукаммал парҳез, зарарсиз, аммо керакли дори-дармон, деярли режалаштирилган амалиёт, мукаммал косметика – буларнинг барчаси очликни ушлаб туриш учун қилинади. Болалар катталарга айлантирилса, катталар абадий балоғатга етмаган болаларга айланиб қоладилар. Билишимча, бахт бу яширин бўлишига қарамай, сизнинг меҳнатдан мақсадингиз, танлаган дўстларингиз ва касбингиздир. Сиз бунга лойиқсиз ва мен уни қатъий эгаллашингизни хоҳлайман, ҳаммангиз шунга мажбурсиз. Агар буларнинг бари ёдингизда турса, унда мен миннатдорман ва агар бу, ҳақиқатан ҳам, ҳаётингизнинг энг гўзал йиллари бўлса, менга ҳамдардлик билдиринг, чунки, менга ишонинг, ҳақиқий камолотга тенг келадиган бошқа қониқарли, ёқимли ҳеч нарса йўқ. Катталар ҳаёти сизни олдинда кутиб турган умрдир. Шаклланиш жараёни умумий муқаррар ҳодиса эмас. Унинг ютуғи – меҳнат ғўзаллиги, қозониладиган шарафдир. Худди шу нарсанинг ўзиям сизни тижорат босимию маданий бўшлиқдан халос қилолмайди.

Келажак, ўтмиш, бугунги кун ёки бахтингиз учун жавобгарлигингиз ҳақида жўшиб, илҳом билан гапиролмасам, ҳайрон қолишингиз тайин: нима қилиб пайдо бўптурибман ўзи бу ерда... Сизда савол туғилиши мумкин: масала шунчалик жиддий, шунчалик олдиндан маълум экан, менга нима алоқаси бор экан? Менинг ҳаётим қандай бўлади? Туғилишим ўз ихтиёримда бўлмаганидай, бу ерда бу гапларни айтиб ўтириш ҳам ихтиёримдамасди. Сиз қилдингиз, ҳа, сиз. Сиз шунга мажбур қилдингиз. Биласизми, туғилмай қолиш қанчалик оддий ҳолат, қанчалик жўн. Шу маънода эса, сизнинг Ерда, худди шу жойда туришингиз ҳаракатингизнинг бир бўлаги эмасмикин.

Шундай қилиб, айнан мен қизиқтиришга ҳаракат қилганим олам – ойдинлаштиролмаган, шунчаки тасвирлаб берган дунё меросхўрлари сиз бўласиз. Юқорида тилга олган – келажак, ўтмиш, масъулият, бахт ҳақидаги фикрларим барчаси, ҳақиқатан, мен мансуб бўлган авлод ҳақида эди, аслида, сен тўғрингдамас. Менинг авлодимнинг бор қуввати исрофкунандалик, бепарволик, инкор, заифликни кўрсатиб турадиган “хуш қилиқ” эгоизм, ўзини ўзи мақташга беҳуда сарф бўлди. Уялмай-нетмай, биз сизга “ўйин”ни, эрмакка ўлимни мерос қилдик. Индаллосини айтганда, мен ўқиган кафтдаги ёзиқлар сеники эмас, ўз авлодимнинг қисқа қўлларида кўриниб турган ҳаёт эди. Аниқ биламан, бундай ҳаётдан воз кечишни, ўзинг агар истасанг, ҳеч ким, на менинг, на сенинг-да ота-онанг келажак ишига ҳукмини ўтказолади. Сиз бундай кўз ўйнатар медиа-ёрлиқларга учмаслигингиз керак. Сиз аллақандай белгиланган мезонлар билан муроса қилмаслигингиз лозим. Сиз шунчаки солиқ тўловчилардан, қизил ёки кўк штатликлардан ёки истеъмолчилардан, озчилик ёки кўпчиликлардан бўлиб қолмаслигингиз керак.

Албатта, сиз умумсиз, лекин ўзига хоссиз. Ҳам фуқаро, ҳам инсон, сайёрадаги бошқаларга ўхшамайдиган инсон. Ҳеч ким олдингизда турганини аниқ айтолмайди. Ҳозирча маълум бўптургани ҳали ҳаммаси эмас, нималарга қодирлигингиз яширинган. Сиз – бу шахсий тарих. Бас, шундай экан, “қашшоқ” одам қандай бўлишини ифода этасиз ҳам, синовдан ҳам ўтказасиз. Айтмоқчи бўлганим, қумдондагилардан фарқли – бошқаларга ҳукмини ўтказмайдиган, манмансирамаган, бировлар олдида қалтираб қолмайдиган, ғайирликни билмас. Гарчи, тасвир устидан тўлиқ назоратга эга бўлмасангиз ҳам (буни бирон бир муаллиф бажаролмайди, деб айта олмайман), сиз барибир уни яратасиз.

Ҳикоянгизни барбод этадиган қаҳрамонларингизни тўлиқ билмасангиз-да, уларни диққат билан кузатишни, сўраганини беришни, ҳурмат қилишни эплайсиз. Сиз танлаган мавзу ўзгариши ёки шунчаки сиздан йироқлашиши мумкин, аммо ўз ҳикоянгиз сифатида ҳар доим оҳангни танлашга ҳақлисиз. Бу, шунингдек, ким эканингизни ва нимани назарда тутаётганингизни билдириш учун тилни “ясаш”ингиз мумкинлигини англатади. Мен ҳикоячиман ва шунинг учун некбинман, инсон юрагининг ахлоқий тарафдори, ақлни фирибгарлик ва унинг ҳақиқатга иштаҳасини бузиш тарафдори, гўзалликнинг қаттол тарафдори. Шундай экан, ҳикоячи сифатида мен сизнинг ҳаётингизни аллақачон айёрона кузатаётган, шунчаки кутаётган ва сиздан санъат ясашга тайёр деб биламан ўзимни.

Раҳмат.

Рус тилидан Зуҳриддин ҚУДРАТОВ таржимаси

ХОРИЖДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗ ЮЗАСИДАН СИЗНИ ҚИЗИҚТИРУВЧИ БАРЧА САВОЛЛАРГА УЛАРНИНГ ЎЗЛАРИДАН ЖАВОБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН!

Роберт АДАМСОН, Австралия, Сидней Адабиёт ҳамжамияти мутахассиси.

Беттина БАЛЕКА, Австрия, шоира, “Австрия адабиёти учун” давлат мукофоти маслаҳат кенгаши аъзоси

Кристофер ФОРД, АҚШ, Мичиган университети илмий ходими.

Рикардо ДОМИНИК, Бразилия, Жанубий Америка инглиззабон шоирлар ассоциацияси маслаҳатчиси.

Ҳусайн ибн ҲАМЗА, Германия, Германиядаги шарқлик шоирлар уюшмаси раҳбари.

Акиф ХОНСУЛТОН, Грузия, «Қорапапақлар» илмий журнали Бош муҳаррири.

Мзвакхе ИБУЛИ, Жанубий Африка Республикаси, Африка Миллий шеърият академияси саркотиби.

Нилл АЙТКЕН, Канада, Торонто адабий таржима бирлашмасининг Осиё мамлакатлари бўлими бошлиғи.

Ким Бит НА, Корея-Ирландия, Ирландия Миллий университети шарқшунослик факультети илмий ходими.

Ҳангюк АГИАТ, Непал шоири, “Ражан Мукарунг” ёзувчилар кенгаши етакчи мутахассиси

Ҳонг ИН, Хитой адибаси, Пекин таржима маркази ходими

Зарина КАНУКОВА, Қабардин-Болқор, «Горянка» газетаси Бош муҳаррири.

Олтинбек ИСМОИЛОВ, Қирғизистон, Манас университети ўқитувчиси, шоир.

Эркин СЕРИКБАЕВ, Қозоғистон, «Жалин» журнали масъул котиби.

Зера БЕКИРОВА, Қирим, «Янги дунё» газетаси Бош муҳаррири.

Ҳадда СЕНГОР, Мўғулистон, Мўғулистон Ёзувчилар Иттифоқининг «Халқаро алоқалар» бўлими бошлиғи.

Ҳанне ЭРСТАВИК, Норвегия жамияти етакчи мутахассиси.

Акбар ҚУШАЛИ, Озарбойжон, Дунё ёш туркий ёзарлар бирлиги раиси.

Алмаз УЛВИ, Озарбойжон, навоийшунос олима, профессор.

Рафиқ САЙДУЛЛО, Россия (Архангельск), Шимолий (Арктика) федерал университети талабаси.

Нилуфар ШИХЛИ, Россия (Москва), журналист.

Изабелла ТАН, Филиппин, Филиппин Шеърият академияси котиби.

Эллимаия СЕО, Финляндия, Финляндия Таълим маркази етакчи мутахассиси.

Денис ЭМОРИН, Франция, «Париж йилномаси» нашри мутахассиси.

Антонис ФОСТИЕРИС, Юнон шоири, ҳуқуқ фанлари доктори, Афина миллий университети профессори

Кимиё ТАНАКА, Япония, «Шики Хайкусфер» лойиҳаси раҳбари.

Муассис:

“TAFAKKUR BULOG‘I” масъулияти чекланган жамияти

Таҳрир ҳайъати:

Акмал САИДОВ
Комилжон АЛЛАМЖОНОВ
Сирожиддин САЙЙИД
Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ
Шароф УСНАТДИНОВ
Шуҳрат РИЗАЕВ
Рустамбек ШАМСУТДИНОВ
Муртазо СУЛТОНОВ
Аҳрор АҲМЕДОВ
Бахтиёр ИСҲОҚОВ
Тоштемир ТУРДИЕВ
Шуҳрат НОСИРОВ
Қўчқор НОРҚОБИЛ

Ҳамкорларимиз:

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи

Бош муҳаррир
Хосият РУСТАМОВА

Маънавий-маърифий, адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий газета

№ 4521 буюртма
Газета 2001 йил 8 декабрдан чиқа бошлаган.

ISSN 2010-6122

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0258 рақам билан 2012 йил 26 январда қайта рўйхатдан ўтган.

Саҳифаловчи:
Шаҳобиддин МАХМАДИЕВ

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Телефонлар:
(71) 244-36-97
244-36-99
244-36-90

e-mail:
kitobdunyosi@mail.ru

Материаллар газетадан кўчириб босилганда “Китоб дунёси”дан олингани кўрсатилиши шарт.

Баҳоси келишилган нархда

Адади: 7011

Босишга топшириш вақти – 19.00
Топширилди – 19.00
№ V – 4034

Газета “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ҳажми А-2 бичимда, 4 босма табоқ, офсет усулида